

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАБИИЙ ФАНЛАР ФАКУЛЬТЕТИ

География йўналиши
15-31-гуруҳ битирувчиси Мирзаходжаева Мафтунанинг

**“Олтиариқ туманида қишлоқ хўжалик ерларидан
фойдаланишнинг географик асослари”**

мавзуидаги

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар: География кафедраси
ўқитувчиси Ҳамидов А.А.

Фарғона – 2019

Битирув малакавий иш кафедранинг 2019 йил 1 майдаги
йиғилишида муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

Кафедра мудири:



Р.Холиқов

Такризчи:



Handwritten signature

Х. Мирзаахмедов, НамДУ ге
кафедраси мудири, доцент, т

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш	4
I. ОЛТИАРИҚ ТУМАНИГА ТАБИЙ, ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОЙЙ ГЕОГРАФИК ТАВСИФ	
1.1. Табиий шароити	10
1.2. Иқлими ва сувлари	10
1.3. Тупроқлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси	12
1.4. Аҳолиси	12
1.5. Хўжалиги	13
1.6. Қишлоқ хўжалиги	13
II. ОЛТИАРИҚ ТУМАНИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ЕРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ГЕОГРАФИК АСОСЛАРИ	
2.1. Алмашлаб экиш далаларини ва ишчи (суғориш) участкаларини жойлаштириш	25
2.2. Алмашлаб экиш ҳудудларини ташкил этиш бўйича намунавий ечимлар	47
2.3. Ерларни иқтисодий географик жиҳатдан баҳолаш	52
2.4. Тупроқларни бонитировка қилиш	55
2.5. Олтиариқ туманида ер ресурсларини ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш	63
Хулоса	66
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	70
Иловалар	71

КИРИШ

Менинг битирув малакавий ишим “Олтиариқ туманида қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланишнинг географик асослари”деб номланиб туман ер ресурсларидан фойдаланиш жараёнида алмашлаб экиш тизимларини йўлга қўйиш ва уни бошқаришнинг илмий асосларини яратишга бағишланган.

“Юртимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг келажаги ҳақида гапирганда, ер ва сув ресурслари бўйича имкониятларимиз чекланганини ҳисобга олиб, бу борада ягона тўғри йўл- қишлоқ хўжалигини интенсив асосда ривожлантириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, алмашлаб экиш тизимини йўлга қўйиш. селекция ишларини чуқурлаштириш, юксак самарали замонавий агротехнологияларни жорий этиш ва сувдан оқилона фойдаланиш, энг муҳими-деҳқон ва фермерларнинг дарди билан яшаш, десам, ўйлайманки, барчангиз менинг фикримга қўшиласиз¹ “.

Мавзунинг долзарблиги.Моддий бойликларни ишлаб чиқариш жараёнида ер асос (базис) ва ишлаб чиқариш воситаси сифатида қатнашади. Ерга нисбатан турли мулкчилик шакллариининг қўлланилиши республикамызда мавжуд ер ресурсларидан тўлиқ, самарали фойдаланиш ва муҳофаза қилиш учун тўлиқ шароит яратади. Ер тузиш халқ хўжалигининг соҳаларида ва аниқ қишлоқ хўжалик корхоналарида амалга оширилиб, ҳукуматимизнинг аграр сиёсатини амалга оширишда муҳим ўрин тутати.

Ўзбекистон Республикасининг “Ер кодекси” қонунининг қабул қилиниши билан ер муносабатларини тартибга солиш, ер фондидан самарали

¹.Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2013 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасидан (17 январь 2014 йил)

фойдаланиш, уни ташкил этиш ва бошқариш, ҳамда ердан фойдаланишни давлат назоратини ўтказишнинг ҳуқуқий асослари ўрнатилди.

Ҳозирги кунда Олтиариқ туманида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш сақлаш ва уларни мамлакатимиз бўйлаб транспортировка қилиш масалаларига жуда катта аҳамият берилмоқда. Туман фермер хўжаликлари ва шахсий хўжаликлар томонидан маҳсулот етиштиришда юқори агротехника қоидаларига тўлиқ амал қилган ҳолда интенсив хўжалик юритишга ўтилмоқда, бу ҳолат ердан унумли фойдаланиш уни структурасини доимо яхшилаб бориш, муҳофаза қилиш каби чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиб уни амалиётга тадбиқ қилиб боришни талаб қилади. Юқорида билдирилган фикрлар мавзунинг долзарблигини кўрсатади.

Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда туман қишлоқ хўжалигида барча ишларни илмий асосда ташкил этиш, тупроқ унумдорлигини муттасил ошириб бориш, фермер хўжаликларида барча деҳқончилик ишларини агротехника талаблари асосида ташкил этиш, провард натижа эса барча экин турларидан юқори ҳосил етиштиришни кафолатлайдиган илмий ишланмалар тизимига эга бўлишни, ер ахборот тизимлари бўйича маълумотлар банкини ташкил этишни ҳаётни ўзи мажбур қилиб қўймоқда. Ер ахборот тизимлари бўйича маълумотлар банки тумандаги ҳар бир фермернинг компьютер тизимида бўлиши керак, чунки ер кадастри, ерларни иқтисодий баҳолаш, бонитировка, агрономия, механизация масалаларида барча маълумот, кўрсатма, буюртма агар керак бўлса топшириқларни бир вақтнинг ўзида марказий ахборотлар банкidan олинishi мумкин бўлади [1].

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзимизга маълумки Олтиариқ тумани Фарғона вилоятидагина эмас балки, Республикадаги энг илғор туманлардан бири ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан фойдаланиш ва уни бошқаришнинг интенсив йўлини танлаган ҳолда фермер хўжаликларини бошқаришнинг илғор усулларида унумли фойдаланган

туман раҳбарлари вилоятнинг иқтисодий-иҷтимоий ривожланишига муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Ўзбекистон Республикасининг собиқ марҳум Президенти И.А.Каримов айтганидек:

“- одамларимизнинг онги ва дунёқараши тубдан ўзгармоқда, бебаҳо бойлигимиз булган ер ва сув ресурсларидан самарали ҳамда оқилона фойдаланиш учун масъулият туйғуси кучаймоқда”- бу айтилган гапни Олтиариқ туманида ер ресурсларидан фойдаланаётган барча фермер хўжаликлари ва умуман Олтиариқ халқи жуда яхши англаб етган ва бу айтилган фикрларни ўзлари учун дастурамал қилиб олганлар

Битирув малакавий ишни ғоясидан келиб чиққан ҳолда туманда алмашлаб экиш тизимини йўлга қўйиш, ер ресурсларидан самарали фойдаланиш ва уни бошқариш бўйича ўзимнинг фикр ва мулоҳазаларимни баён қилиб, туманда қишлоқ хўжалигида ва умуман ердан фойдаланувчи ташкилот ҳамда корхоналарда ер ресурсларидан самарали, оқилона фойдаланишнинг илмий жиҳатларини очиб беришга уруниб кўришга ҳаракат қилдик ва бу масалаларада туманда қишлоқ хўжалиги соҳасида ишларни самарали ташкил этиш учун зарур булган илмий қарашларимизни қуйида атрофлича баён қилишга ҳаракат қилдик.

БМЙнинг мақсад ва вазифалари. Олтиариқ туманида қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланишнинг географик асосларини аниқлаш учун қуйдаги мақсадларни амалга ошириш керак;

- туман ерларини мелиорация нуқтаи назардан ҳолатини аниқлаш;
- мелиоратив ҳолати бузилган ерларни яхшилаш учун чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш;
- мелиоратив ҳолати ёмон бўлган ерларни географик асосларини кўрсатиш;
- Олтиариқ туманида қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланишнинг географик асослари ишлаб чиқилади;

- туман фермер хўжаликлари ва бошқа хўжаликларда ерларни сифатини яхшилаш тизими йўлга қўйилади.

Юқоридаги мақсадларни амалга ошириш учун куйидаги вазифаларни бажариш лозим бўлади, Олтиариқ туманида қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланишнинг географик асосларини яратиш учун мелиоратив ҳолати ёмон ерларни қайта тиклашнинг географик жиҳатларини асослаш туман ерларини тўлиқ бонитет бўйича кўриб чиқиш, таҳлил қилиш ва хулосалар чиқариш лозим бўлади.

БМИнинг объекти ва предмети. Битирув малакавий ишимни объекти сифатида тўлиқ Олтиариқ тумани ҳудуди танлаб олинган. Ва бу ҳудуддаги қишлоқ хўжалик ерларини мелиоратив ҳолати ёмон бўлган ерларни қайта тиклашнинг географик асосларини аниқлаш ундан фойдаланиш масалаларини ривожлантириш битирув малакавий ишнинг предмети ҳисобланади.

БМИнинг назарий услубий асослари. Битирув малакавий ишни тайёрлашда қиёслаш услуби, диалектик, моделлаштириш услубларидан кенг кўламда фойдаланилди.

БМИнинг ташкилий тузилиши. Битирув малакавий иш 2та боб, 8 та жадвал, 5 та расм- карта, хулосалар , фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб 74 бетни ташкил этади.


Битирув малакавий ишимни лойиҳасини кўриб чиқишда ўзларининг қимматли илмий маслаҳатларини аямаган “Георграфия”кафедраси ўқитувчиси, география фанлари номзоди А.А.Ҳамидовга ўзимнинг чуқур миннадорчилигимни билдираман.

1-расм-карта

Фарғона вилоятининг маъмурий картаси



Олтиариқ туманининг карта схемаси



1.ОЛТИАРИҚ ТУМАНИГА ТАБИЙ, ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ГЕОГРАФИК ТАВСИФ

Олтиариқ тумани- Фарғона вилоятидаги туман. 1926 йил 29 сентябрда ташкил этилган. Шимолдан Наманган вилояти, ғарб ва шимоли-ғарбдан Риштон, Бувайда ҳамда Бағдод, шимоли-шарқдан Қўштепа, Ёзёвон туманлари ва жанубдан Фарғона тумани ва Қирғизистоннинг Қадамжой тумани билан чегарадош.

Майдони 0,63 минг км². Аҳолиси 185,7 минг киши (2013 йил). Олтиариқ туманида 1 та шаҳар (Ҳамза), 13 шаҳарча ва 15 та қишлоқ фуқаролар йиғини (Азимобод, Бурболик, Жўрак, Зилҳа, Катпут, Олтиариқ, Оқбўйра, Повулғон, Полосон, Файзиобод, Янгиараб, Янгиқўрғон, Қапчуғай, Қизилтепа, Ғайрат) бор. Маркази- Олтиариқ шаҳарчаси. [13].

1.1. Табиий шароити

Олтиариқ тумани ҳудудининг жануби адирлар, сойларнинг ёйилмалари, қумли шўрхоклардан иборат. Адирлар ва адир этакларининг баландлиги 500-700 метр. Бу ерлар тоғлардан оқиб тушадиган кўп сойларнинг қадимги конгломератларидан- Сўх свитаси комплексларидан таркиб топган (қалинлиги 80-200 метр).

Адирларнинг Марказий Фарғона текислигига туташиб кетган қанотлари ёйилма кўринишида булиб, тошли-шағалли, гилли ва қумоқ жинслардан иборат. Уларнинг ҳаммаси антропоген даврининг турли ёшдаги ётқизиқларидир. Шимолий қисмининг рельефи кенг текислик булиб, юзасини қум, гил, ўнлаб метр чуқурликда тошли-шағалли жинслар қоплаб ётади. Уларнинг тагида 400 метр қалинликда палеоген даврининг карбонатли денгиз чўкиндилари бор.

1.2.Иқлими ва сувлари

Иқлими қуруқ, сершамол, баҳор ва кўзда шамол булади. (тезлиги сониясига 12-15 метр). Йиллик ўртача ҳарорат 13°, январда ўртача ҳарорат - 2°, энг

паст ҳарорат -23°, июлнинг ўртача ҳарорати 26°- 28°, энг юқори ҳарорати 42°.

Вегетация даври 210 кун. Йиллик ёғин миқдори 100- 180 мм.

1-жадвал

Фарғона водийсидаги кўп йиллик метеорологик маълумотлар

Метео- станция лар	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII	Йил- лик
Ўртача ойлик ҳарорат (градус ҳисобида)													
Федченко	-2,4	0,2	7,6	15,8	19,8	24,3	24,0	22,7	18,4	12,6	5,7	1,3	12,6
Фарғона	-3,2	0,6	7,8	15,2	20,8	24,6	26,8	25,0	14,6	12,6	5,6	0,4	13,0
Насрдинбек	-2,4	0,3	9,4	17,1	21,0	25,8	26,9	24,3	19,7	13,0	5,0	1,6	13,4
Наманган	-3,4	0,9	8,1	15,8	21,5	25,6	27,6	25,4	20,1	12,9	5,8	0,4	13,0
Қўқон	-2,5	1,3	8,4	16,1	21,6	25,6	27,5	25,6	19,9	12,6	5,5	0,6	13,5
Ултарма	-2,1	0,5	7,6	15,7	21,2	25,1	27,1	24,9	19,2	12,0	4,9	0,7	13,0
Ёғинлар миқдори (мм ҳисобида)													
Федченко	27	29	32	24	21	6	8	2	4	18	11	20	202
Фарғона	20	18	27	19	18	10	5	3	2	12	20	18	172
Насрдинбек	26	21	23	27	24	9	0	0	2	27	16	18	193
Наманган	28	22	33	24	21	9	7	2	4	17	17	21	205
Қўқон	13	11	17	12	11	7	3	2	1	8	13	11	109
Ултарма	10	10	12	9	7	8	5	1	2	3	8	10	86
Ҳавонинг нисбий намлиги (% ҳисобида)													
Федченко	84	82	72	61	53	46	52	60	62	68	76	85	67
Фарғона	83	79	71	58	52	44	45	51	56	66	76	82	63
Насрдинбек	83	78	68	59	51	48	55	62	64	72	81	87	67
Қўқон	82	77	68	57	51	46	48	50	56	69	75	82	63
Ҳаводаги намликни етишмаслиги (мб ҳисобида)													
Федченко	1,1	1,5	3,3	8,6	13,4	18,6	19,0	15,0	10,6	6,1	2,6	1,2	8,4
Фарғона	1,1	1,7	3,6	8,2	13,7	19,4	21,2	17,1	11,5	6,1	2,7	1,3	8,9
Наманган	1,3	2,3	4,0	9,0	15,7	22,0	22,3	18,0	13,4	7,7	3,2	1,5	10,0
Қўқон	1,1	2,0	4,1	9,2	14,2	19,6	21,7	18,4	12,5	6,4	2,7	1,2	9,4

Кучли шамолларни кун сони (секундига 15 м кучлилари)													
Федченко	0	0	1	1,4	1,4	1,1	0,3	0,2	0,2	0	0	0	5,6
Фарғона	0	1	2	3,4	4,2	4,6	4,2	1,5	0,8	2,3	2	1	27
Наманган	0,1	0,1	0,1	3,9	4,6	5,5	2,1	0,9	0,9	0,2	0	0,1	18,5
Қўқон	1	2	5	8,1	7,3	4,9	3,0	3,2	3,0	3	2	2	44,5
Иссиқлик билан таъминланиш ва совуқ кунлар													
	Ҳарорат +10 ⁰ С дан юқори давр			+10 ⁰ С дан юқори ҳароратлар йиғиндиси	Тупроқдаги совуқлар								
	Бошланиши	Тугаши	Неча кун		Бошланиши	Тугаши							
Федченко	26,03		26,10	213	4410	15,10	02,04						
Фарғона	25,03		25,10	213	4440	17,10	07,04						
Наманган	23,03		27,10	217	4600	22,10	31,03						
Қўқон	23,03		25,10	215	4590	17,10	02,04						

1.3 Тупроқлари, ўсимлиги ва ҳайвонот дунёси

Адир ва адир этакларида оч бўз, тўқ бўз, қўнғир бўз, марказий ва шимолий қисмида ўтлоқи, ўтлоқи-ботқоқ, шўрхоқ тупроқлар тарқалган.

Ёввойи ўсимликлардан адирларда шувок, баҳорда эфимер ва эфимероидлар, марказий ва шимолий қисмидаги қумликларда шўра, юлғун, селин, янтоқ ва бошқалар ўсади.

Ёввойи ҳайвонлардан бўри, тулки, қуён, каламуш, ўқилон, чипорилон, бургут, бойўғли, калхат, қирғий ва бошқалар бор.

Туманнинг экин майдонлари Олтиариқсой, Жанубий Фарғона, Катта Фарғона, Катта Андижон, Сўх-Шоҳимардон каналларидан сув олади. “Қўрғонтепа”, “Кенг кўл” сув омборлари қурилган. Чўл қисмида йирик минерал сув ҳавзаси (Қизилтепа) бор.

1.4. Аҳолиси.

Асосан ўзбеклар (93,5%), шунингдек, тожик (4,4%), қирғиз (1,9%), рус, лўли, корейс, арман, немис, чуваш, қozoқ, озарбайжон, украин ва бошқа миллат вакиллари (1,1%) ҳам яшайди. 1 км² га ўртача 278,9 киши тўғри

келади. Шундан шаҳар аҳолиси 73,4% ни, қишлоқ аҳолиси 144,7% ни ташкил этади (2012 йил).

1.5.Хўжалиги.

Олтиариқ тумани Фарғона вилоятининг марказий қисмида жойлашганлиги, муҳим транспорт йўллариининг ўтганлиги, иқлим шароитининг қулайлиги, туманда ишлаб чиқариш, деҳқончилик ва тадбиркорлик, маданий-маиший соҳалари ва савдо-иқтисодий муносабатларининг ривожланишига муҳим омил бўлмоқда.

Ишлаб чиқариш корхоналари ва турли ташкилот, муассасалар Олтиариқ шаҳарчаси, Ҳамза шаҳри, Қапчуғай, Файзиобод қишлоқларида жойлашган. Туманда республикадаги дастлабки корхоналардан ҳисобланган олтиариқ нефтни қайта ишлаш ва Олтиариқ пахта тозалаш заводлари, шунингдек, “шоҳимардонсой” минерал сув қадоқлаш заводи, вагонларни буғлаб ювиш корхонаси, Қапчуғай темир-бетон буюмлари заводи, Файзиобод қурилиш комбинатлари (2 та), 2 та механизациялашган қурилиш ташкилоти, машина- трактор парклари, 2 та автокорхона, автомобиль йўлларини қуриш, нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари ва бошқалар мавжуд.

Тумандаги 1080 та хўжалик юритувчи субъектлардан 29 таси акциядорлик жамияти, 20 таси ширкат хўжалиги, 7 таси йирик саноат корхоналари. 169 кичик ва ўрта корхоналар, 429 фермер хўжаликларидир.

Туман ҳудудида республика аҳамиятига эга булган Тошкент-Фарғона ҳамда маҳаллий Марғилон-Қўқон, Водил-Учуй автомагистраллари ўтган. Қопламли асфальт йўллариининг умумий ўзунлиги 400 км атрофида.

1.6.Қишлоқ хўжалиги.

Қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи- деҳқончилик. Тумандаги 24 минг га суғориладиган ер майдонидан 20,6 минг га ерга экин экилади. Олтиариқ туманида 15 та ширкат хўжалиги (ҳозирда улар тугатилган), Қизилтепа фермерлар кенгаши (ўзида 429 та фермерни бирлаштиради), туман фермерлар уюшмаси томонидан 7895 га ерга пахта, 8520 га ерга дон

экинлари экилади (2012 й). 534 га ўрмонзор, 1530 га кўп йиллик дарахтзор, шундан 1250 га боғ, 21 га токзор, 250 га тутзор билан банд.

Туман фермер ва шахсий хўжаликларида 29,8 минг бош қорамол (шу жумладан 12,8 минг сигир), 13,9 минг қўй, 32,6 мингдан зиёд парранда боқилади (2012 йил). Пиллачилик билан ҳам шуғулланилади.

Олтиариқ туманида Давлат хокимияти органларининг ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари:

- тупроқ унумдорлигини ошириш, ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;
- ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошириш;
- фуқароларга, юридик шахсларга эгалик қилишга, фойдаланишга ва ижарага ер бериш, шунингдек тубдан яхшилаш ишлари амалга оширилган суғориладиган ерлар, пичанзорлар ва яйловлардан ташқари ерларни, ўрмон ўсимликлари билан қопланган ерлардан ташқари ўрмон фонди ерларини; саноат, транспорт, алоқа, муҳофаза ва бошқа мақсадлар учун мўлжалланган ерларни, сув фонди ерларни олиб қўйиш ҳар бир ер эгасига ва ердан фойдаланувчига ўн гектаргача ўлчамда;
- фуқароларга фермер хўжалиги юритиш учун ерларни ижарага бериш;
- фуқароларга, юридик шахсларга ерлардан ер участкасининг ўлчамидан қатъий назар, эгалик қилишга, фойдаланишга ва ижарага ер бериш;
- ер участкаларини савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари билан биргаликда юридик ва жисмоний шахсларга мулк этиб реализация қилиш;
- ер участкаларга мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини ким ошди савдоси асосида фуқароларга реализация қилиш;
- ер участкаларига булган ҳуқуқларни ерни ижарага бериш шартномаларини, шунингдек сервитутлар тўғрисидаги келишувларни давлат рўйхатига олиш;

- ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқларини ҳамда ер участкаларига булган мулк ҳуқуқини белгиланган тартибда Ер кодексининг 36 - моддасига мувофиқ бекор қилиш;
- қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ташкил этилган, қайта ташкил этилган ва тугатилган ҳолларда уларнинг ерга эгалик қилиши ва ердан фойдаланиши масалаларини ҳал этиш;
- ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида туманлар давлат ҳокимияти органларининг ваколатларига кирадиган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

Туман ҳудудидаги шаҳар ва шаҳарчалар давлат ҳокимияти органларининг ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари:

- ерлардан оқилона ва самарали фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;
- ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошириш;
- ер участкасини ўлчамидан қатъий назар, шаҳар чегараси доирасида эгалик қилишга , фойдаланишга ва ижарага ер бериш, шунингдек ерни олиб қўйиш, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ерлари бундан мустасно;
- ер участкаларини савдо ва хизмат к.рсатиш соҳаси объектлари билан биргаликда юридик ва жисмоний шахсларга мулк этиб реализация қилиш;
- ер тузишни ер мониторинги ўтказилишини ва давлат ер кадастри юритилишини ташкил этиш;
- ер участкаларига булган ҳуқуқларни, ерни ижарага бериш шартномаларини, шунингдек сервитутлар тўғрисидаги келишувларни давлат рўйхатига олиш;
- ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқларини ҳамда ер участкаларига булган мулк ҳуқуқларини белгиланган тартибда Ер кодексининг 36 – моддасига мувофиқ бекор қилиш;

- ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида шаҳарлар давлат ҳокимияти органларининг ваколатларига кирадиган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

Туманда ер фондининг ҳолати. Республика ҳудудининг бошқа қисмлари каби Олтиариқ туманида ҳам туман ер фонди туман ҳокимлигини қишлоқ хўжалик бўлими томонидан назорат қилинади. Ер фондини давлат томонидан бошқариш деганда ҳуқуқий меъёрларга асосланган тегишли давлат ҳокимияти органларининг ер фондидан унумли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш ва ташкил этиш, унинг сифати ва тупрок унумдорлигини сақлаш ва оширишга қаратилган ҳаракати тушинилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида саноат, транспорт ва бошқа халқ хўжалиги тармоқларининг ривожланиши табиий ресурсларнинг ҳолатига хўжалик – иқтисодий ҳаракатларнинг салбий таъсирини кучайтиради. Шунинг учун ер фондини давлат томонидан бошқариш; ер фондидан илмий асосда фойдаланиш; хўжалик ва сиёсий раҳбарликнинг бирлиги; халқ хўжалигини режалаштириш билан боғлиқлик каби тамоилларга асосланиши керак. Бошқаришнинг асосий функцияси – ер фондидан унумли фойдаланишни ва муҳофаза қилишни ташкил этишга қаратилган фаолиятдир.

Ер фондини давлат томонидан бошқариш органлар тизими жумладан, Олтиариқ тумани ҳокимлиги ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилишни давлат назорати, ер тузиш ва ер мониторинги, давлат ер кадастрини юритиш, ердан унумли фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тадбирларини амалга ошириш асосида ер тўғрисидаги қонунчиликка риоя қилишни таъминлайди.

У умумий ва соҳавий бошқарув органларига булинади.

Ер фондини давлат томонидан бошқаришнинг мавжуд ер ресурсларидан унумли фойдаланишни ташкил этиш бўйича ҳуқуқлар билан таъминланган давлат ҳокимияти органлари олиб борадилар. Ер фондини бошқариш органлари *бажарувчи ва ижроя – тақсимловчи* органларга булинади.

Бажарувчи органлар давлат хокимиятининг барча тизимини қамраб олади. Хокимиятлар томонидан қишлоқ хўжалиги, табиатни кўриқлаш, қонунчиликни таъминлаш бўйича доимий комиссиялар тузилади ва улар ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилишни назорат қилишда, ер фондини бошқариш бўйича қонунчиликнинг бўзилишларини олдини олишда иштирок этадилар.

Ижро этувчи – тақсимловчи органлар ҳам икки хилда: умумий ва махсус ваколатдаги органларга бўлинади. Мисол учун: қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ер фондини давлат томонидан бошқаришнинг умумий раҳбарлигини амалга оширади ва унинг ваколоти барча бошқариш функцияларини қамраб олади. Иккинчи томондан қишлоқ хўжалик ерларига нисбатан соҳавий бошқарувини олиб боради.

Ер фондини давлат томонидан бошқаришнинг асосий усуллари қуйидагилар киради: ер тузиш, давлат ер кадастри, ер мониторинги ва ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилишни устидан давлат назорати.

Ер тузиш – ер муносабатларини тартибга солишга ерлардан фойдаланишни ташкил этишга, ер ресурсларини ҳисобга олиш ва баҳолашга, ҳудудий ва ички хўжалик режаларини тузишга қаратилган тадбирлар тизимидан иборат.

Давлат ер кадастри – ер муносабатларини тартибга солиш, ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, ер тузишни ташкил этиш, ер учун тўланадиган ҳақ миқдорини асослаш, ерларнинг табиий, хўжалик ва ҳуқуқий режими, уларнинг тоифалари, сифат кўрсаткичлари ва баҳоси, ер участкаларининг жойлашган манзили ва ўлчамлари уларни ер эгаларига, ердан фойдаланувчиларига, ижарачиларига ҳамда мулкдорларга тақсимлаш тўғрисидаги зарур, ишончли маълумотлар ва ҳужжатлар тизимидан иборат.

Ер мониторинги – ер таркибидаги ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, ерларга баҳо бериш, салбий жараёнларнинг олдини олиш ва оқибатларини тугатиш учун ер фонднинг ҳолатини кўзатиб туриш тизимидан иборат.

Ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати – ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан назоратни амалга оширишнинг асосий вазифалари юридик ва жисмоний шахслар, давлат бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қонун ҳужжатлари талабларига риоя этишларини таъминлашдан иборатдир. [3].

Ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини маҳаллий давлат ҳокимияти (масалан Олтиариқ туманида туман ҳокимлигини қишлоқ хўжалик бўлими) органлари, шунингдек махсус ваколатга эга бўлган давлат органлари амалга оширадilar.

Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари давлат қўмитаси ва унинг жойлардаги органлари ерлардан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга оширишда қуйидаги функцияларни бажарадилар:

- ер ресурсларидан оқилона фойдаланишга йўналтирилган ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;
- корхоналар, муассасалар, ташкилотларни ва фуқароларнинг ер кодексига ва ер тўғрисидаги бошқа қонун ҳужжатларига риоя этишларини назорат қилиш;
- ер участкаларига уларнинг мақсадларига мос равишда фойдаланиш режимини ўрнатиш;
- давлат бошқаруви органлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ерлардан фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини сақлаб қолиш, ошириш ва тиклаш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;
- ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олинishiга йўл қўймаслик;
- мавжуд ер ресурслари ўлчами, ҳолати ва улардан фойдаланиш бўйича маълумотлар тайёрлаш;
- ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш, юридик ва жисмоний шахслар, бошқарув

органлари, маҳаллий ҳокимият органлари томонидан қонун ҳужжатларига риоя қилинишини таъминлаш, йўл қўйилаётган қонун бўзилишларини бартараф этиш ва айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича ўз вақтида чоралар кўриш;

- ер фондидан фойдаланишни яхшилаш, тупроқ унумдорлигини сақлаб қолиш, ошириш ва тиклаш Миллий дастурни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. Ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг функцияларига қуйдагилар киради:

- барча турдаги хўжалик фаолиятларга ер ажратиб беришда табиатни муҳофаза қилиш талабларини бажарилишини таъминлаш;

- янги техника, технология ва тупроққа ишлов бериш материалларни ишлаб чиқишда, ҳамда ташкилотлар ва бошқа объектларни лойиҳалашда, қуришда экологик меъёрларга риоя қилинишини таъминлаш;

- тупроқларни оқова сувлар, пестицидлар, минерал ўғитлар, заҳарли химикатлар билан ифлосланишининг олдини олиш;

- алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудларда ўрнатишга ердан фойдаланиш режимига риоя қилинишини таъминлаш;

- ер тузиш лойиҳаларида ва бошқа лойиҳаларда ерларни ифлосланиши, бўзилишига олиб келувчи жараёнларни олдини олувчи тадбирларни амалга оширилишини таъминлаш;

- ер тўғрисидаги қонунчиликнинг ерларни муҳофаза қилиш қисмига риоя қилиш;

- табиатни муҳофаза этиш, рекреация ва бошқа алоҳида муҳофаза этиш мақсадлар учун ажратилган ерларни ўзбошимчалик билан эғаллаб олишни олдини олиш;

- бўзилган ерларни рекультивация қилиш бўйича ишларни бажаришни назорат қилиш;

- қишлоқ хўжалик ерлари айланмасидан чиқарилган, унумдор қатламлари бўзилган ерларни яхшилаш бўйича тадбирларни бажарилишини таъминлаш

Республика ер ресурсларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини олиб беришда санитария – эпидемиология хизмати қуйидаги функцияларни бажаради:

- ер участкаларидан фойдаланишда санитария-эпидемиология қонунчилигига риоя қилиш;

- радиоактив ва бошқа заҳарли моддаларни қайта ишлаш ва қўшиш билан боғлиқ бўлган объектлар, корхоналарни эксплуатация қилиш ва лойиҳалашда муҳофаза санитар-химоя, соғломлаштириш ва рекреация зоналарини ўрнатиш;

- ерларни юқумли касалликлар ва паразитлар билан ифлосланишини олдини олиш. [14].

2 -жадвал

Олтиариқ туманинг ер фонди

Майдони, минг га	Қ/х фойдаланиладиг ан ерлар, минг га	Шу жумладан суғориладиг ан ерлар минг га	Қ/х фойдаланиладиган ерларга нисбатан, %		
			Эки н ерла ри	Қўп йиллик дарахтзор лар	Пичанз ор ва яйловла р
63,1	19,2	19,2	90,4	8,2	1,4

Олтиариқ туманида ер тузиш ишларини ҳолати. Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза этиш билан боғлиқ ер тузиш ишларини ўтказиш, ер тузиш тадбирларини ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва деҳқончилик тизимлари билан боғлаш учун энг қулай ҳудуд маъмурий туман ҳудуди ҳисобланади. Айнан шу ҳудудда зарур ташкилий, молиявий ва бошқа

имкониятларга эга булган ва маҳаллий бошқарувни амалга оширадиган туман хокимияти жойлашгандир. Туман ўзининг корхоналар ва ташкилотлар тизимидан иборат ишлаб чиқариш мажмуасига, ишлаб чиқариш ва иштимой инфраструктурасига ҳамда табиий ва иқтисодий ресурсларга эга. Аҳоли ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ барча масаларни кўриб чиқиш ва ечиш туман хокимияти ваколатлари доирасига киради. Бу масалалар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

давлат мулки булган ер ва бошқа табиий ресурсларга эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тақсимлаш, туман ҳудудида ердан фойдаланишни назорат қилиш;

туманнинг ижтимоий – иқтисодий ривожланишини таъминлаш;

аҳоли яшаш жойларини лойиҳалаш, қуриш, ободонлаштириш, ва кўкаламзорлаштириш, сув манбааларидан ва кенг тарқалган қазилма бойликлардан фойдаланишни, йўл қурилишини ва йўллар таркибини тартибга солиш;

атроф муҳитни муҳофаза қилишда ва ишларга қатнашиш.

Маъмурий туман давлатимизнинг ҳалқ хўжалиги тармоқларини ривожлантириш ва табиатни муҳофаза қилиш бўйича асосий ҳудудий бўлинмаси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам маъмурий туман ҳудудининг турғун ва комплекс ривожланишини таъминлашда ер тузишнинг аҳамияти катта. Туман маъмуриятига қуйдаги ер тузиш ишларини ўтказиш ваколати берилган:

туман ер хўжалигини бошқариш; ташкилотларга, корхоналарга, муассасаларга ва фуқароларга ер учаскаларини бериш ва қайтариб олиш; ер тузишнинг амалга ошириш; ер кадастри ва мониторингини олиб бориш; ер солиғини ва бошқа тўловларни йиғиш.

Маъмурий туманда ер тузиш – бу ердан оқилона фойдаланишнинг ва уни муҳофаза этишни ташкил этиш, туманда ер муносабатларини тартибга солиш, хўжалик ва ташкилотларнинг ҳудудларини тузиш, табиий

ландшафтларни маданийлаштириш бўйича тадбирлар тизими ва ижтимоий; иқтисодий, экологик жараёндир. Бу тизим хўжаликлараро ва хўжаликларда ички ер тузишни лойиҳа олди ва техник-иқтисодий асослаш ишларнинг мувофиқлаштиради.

Ер тузишни лойиҳалаш таркибида, лойиҳа олди ишлари босқичи бор. Бу босқичда катта ҳудудларда ердан самарали фойдаланишни ва уни муҳофаза қилишни ташкил этишнинг йирик муоммолари ечилади. Лойиҳада олди ишлари босқида ечиладиган масалар ер тузиш чизмасида тўла ўз ечимини топади. Туман ер тузиш чизмаси ер тузиш лойиҳаларидан олдин ишланади ва уларнинг тузишга асос бўлиб хизмат қилади.

Маъмурий туман ер тузиш чизмасининг асосий таркибий қисмлари ва уларда бажариладиган ишлар таркиби 1,3.2- жадвалда келтирилган. [4].

3-жадвал

Маъмурий туман ер тузиш чизмасининг асосий таркибий қисмлари

<i>Ер тузиш чизмасининг таркибий қисмлари</i>	<i>Бажариладиган ишлар мазмуни</i>
Ерларни қайта тақсимлаш, улардан фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг келажаги	Ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг асосий йўналишларини асослаш. Махсус ер фондларини ажратиш. Келажакдаги ер балансини ишлаб чиқиш.
Агросаноат мажмуасини жойлаштириш ва ривожлантириш	Туман агросаноат мажмуасини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаш. Хўжалик юритишнинг устивор турларини белгилаш. Қишлоқ хўжалик корхоналарини ислоҳ қилиш бўйича тавсиялар тайёрлаш.
Ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчилар тизимини такомиллаштириш	Туман ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчиларининг келажакдаги тизимини яратиш. Ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчилар ерларидаги

	камчиликларни тугатиш. Аҳоли яшаш тизимини ва инфратизим таъминотини асослаш.
Ер турларини ташкил этиш	Агроэкологик асосда ер турлари таркиби ва нисбатини белгилаш. Ер турларини яхшилаш ва трансформациялаш (бир турдан иккинчи турга ўтказиш) бўйича тадбирлар ишлаб чиқариш.
Табиатни муҳофаза қилишга қаратилган тадбирлар	Махсус қўриқланадиган ҳудудлар чегараларини жойлаштириш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилаш. Ерларни барча бўзилишлардан асраш (эрозия, шўрланиш, ифлосланиш ва ш. ў.).
Ер тузиш чизмаси тадбирларининг самарадорлигини ва уларни амалга ошириш	Тадбирлар самарадорлигини ҳисоблаш. Тадбирларни амалга ошириш навбатларини аниқлаш.

Тумандаги шаҳарлар, шаҳар типдаги посёлкалар, уларнинг эгаллаб турган майдонлари, бажариладиган ижтимоий ва ҳўжалик вазифалари таҳлили қилинади. Асосий эътибор қишлоқ аҳоли сони ва таркиби, шу жумладан, қишлоқ ҳўжалигида банд булганлари, миграция жараёнлари ва демографик вазият, қишлоқлар чегарасида ва ташқаридаги қишлоқ кенгашлари тасарруфида булган ерлардан фойдаланиш.

Тумандаги ноқишлоқ ҳўжалик корхоналари, ташкилотлари ва муассасалари фаолиятларининг ердан фойдаланишдаги ўзига хос томонлари, келажакда қўшимча иш ўринларини яратиш имкониятлари, атроф муҳитга ва ҳўжалик юритишга таъсирлари аниқланади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлиқ ислохотларни амалга ошириш натижасида юз берган ўзгаришлар таҳлил этилади: қишлоқ ҳўжалиги ерларидан фойдаланишни такомиллаштиришга, бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган янги турдаги корхоналарнинг салмоғи, ерни муҳофаза этиш ишларининг ҳажми, ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратизимларини ташкил этиш.

Ер ресурсларининг ҳолатини таҳлил қилиш ва ердан фойдаланиш даражасини баҳолаш, туманда ердан фойдаланишнинг келажагини аниқлаш ҳар бир ер категорияси (тоифаси) бўйича уларнинг устиворлигини, табиий, иқтисодий, ижтимоий ва экологик шароитларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Ерларни улардан фойдаланиш ва муҳофаза этишни яхшилаш мақсадида қайта тақсимлашнинг энг аҳамиятли масалалари жумласига қуйидагилар киради: ер ресурсларининг халқ хўжалиги тармоқлари орасида тақсимланишдаги камчиликларнинг тугатиш ва кўзда тутилган тадбирларнинг илмий асосланганлиги даражасини ошириш; халқ хўжалиги тармоқлари ер ресурсларини улар ишлаб чиқаришининг келажақдаги ривожланишига ва тармоқ талабига мослаш; ажратилган ернинг меҳнат ресурслари ва моддий-техник ҳамда инвестицион имкониятлар билан оптимал боғланишини таъминлаш; ландшафтларни маданийлаштириш ва экологик вазиятни турғунлаштири учун шароит яратиш.

Ерларни қайта тақсимлашда ҳудудни агроэкологик районлаштириш натижалари асос қилиб олинади. Ерларнинг табиий (рельфи, тупроғи, тупроқ ости қатламлари, ўсимлик дунёси, сув манбаалари ва ш.ў.) ва ижтимоий-иқтисодий шароитларини ҳисобга олган ҳолда тармоқлар (қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, шаҳар, саноат ва сув хўжалиги, қурилиш, табиатни муҳофаза этиш ва бошқ.) учун яроқлилиги аниқланади. Агроэкологик районлаштириш натижаларидан тўла ёки қисман фойдаланиш мумкинлиги ижтимоий-иқтисодий шароитларнинг кутилаётган ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Қишлоқ хўжалиги мақсадларига ажратилган ерлар қонуний устиворликка эга. Сабаби, бу ерлар аҳолини озиқ-овқат ва саноатни кўп турдаги хом ашё билан таъминловчи манбаа бўлиб хизмат қилади. Уларнинг энг асосий сифат кўрсаткичи – унумдорликдир.

Маъмурий туман ер тузиш чизмасининг ушбу таркибий қисмининг
якуни сифатида туманнинг тармоқлараро ер баланси тузилади (4-жадвал)

4 – жадвал

Туман ер тузиш чизмаси бўйича ерларнинг қайта тақсимланиши

<i>Ер тоифалари</i>	<i>Майдони минг. га</i>		
	<i>2018 й.</i>	<i>Келажакда</i>	<i>ўзгаришлар - +</i>
Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар	19,2	19,0	-0,2
Аҳоли яшаш жойлари ерлари	12,4	12,9	+0,5
Саноат, транспорт, алоқа, муҳофа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар	9,5	9,7	+0,2
Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларга мўлжалланган ерлар	3,5	3,6	+0,1
Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлари	1,0	1,0	
Ўрмон фонди ерлари	8,2	8,6	+0,4
Сув фонди ерлари	4,2	4,8	+0,6
Заҳира ерлари	5,1	5,0	-0,1
Ж А М И	63,1	64,6	

Агросаноат мажмуасини жойлаштириш ва ривожлантириш. Ер
ислохотлатини ўтказиш бўйича тадбирларнинг асосий қисми булган қишлоқ
хўжалик корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш ва қайта ташкил
этиш, ерларни қайта тақсимлаш, фермер хўжаликларини, кичик
ширкатларни, ҳиссадорлик жамиятларини ва ҳар хил уюшмаларни тузиш –
агросаноат мажмуасини жойлаштириш заруратини туғдиради. [17].

II. ОЛТИАРИҚ ТУМАНИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ЕРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ГЕОГРАФИК АСОСЛАРИ

2.1. Алмашлаб экиш далаларини ва ишчи (суғориш) участкаларини жойлаштириш

Алмашлаб экиш даласи- бу алмашлаб экишнинг биринчи навбатда қишлоқ хўжалик экинларини экиш ва улар билан боғлиқ дала ишларини бажариш учун мўлжалланган бир-бирига тенг қисмларидир. Алмашлаб экиш даласи битта ёки бир неча ишчи (суғориш) участкаларидан иборат бўлиши мумиш.


Ишчи (суғориш) участкаси - бу агроэкологик (агроишлаб чиқариш) хусусиятлари бўйича бир хил, жойларда ҳудудни ташкил этишнинг чизиқли элементлари (йўллар, ихота дарахтлари полосалари, каналлар ва бошқ.) ёки табиий тўсиқлар билан чегараланган ва ягона технология бўйича қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш учун мўлжалланган қайдалма ер участкасидир.

Алмашлаб экиш далалари ва ишчи участкалар тупроқлар таркиби, рельеф шароитлари, намланиши, микроклими бўйича алмашлаб экишдаги барча экинларни жойлаштириш ва тупроқлар унумдорлигини қайта тиклаш бўйича тадбирларни ўтказиш учун яроқли, майдони, шакли ва жойлашган ўрни бўйича эса - механизациялаштирилган дала ишларини агротехник жиҳатдан тўғри ва унумли бажариш, машина-трактор агрегатларига хизмат кўрсатиш ва юкларни ташиш учун қулай бўлиши керак. Бунинг учун далаларни ва ишчи (суғориш) участкаларини жойлаштиришда қуйидагилар ҳисобга олинади:

жойнинг рельефи; тупроқ шароити; далалар ва ишчи (суғориш) участкаларининг майдони, томонлари ўлчамлари; йўлларнинг, ўрмон полосаларининг, ишлаб чиқариш бўлимлари ва хўжалик марказлари чегараларининг, олдин экилган қишлоқ хўжалик экинларининг жойлашиши.

Жойнинг рельефини ҳисобга олиш. Лойиҳалашдаги асосий қоида - ишчи участкаларнинг (далаларнинг) узун томонини қияликка кўндаланг қилиб жойлаштириш ҳисобланади. Бундай вазиятда даланинг узун томони бўйлаб бажариладиган асосий ишлар горизонталлар йўналишида (қияликка кўндаланг) бажарилади. Шунинг ёрдамида тупроқлардаги сув эрозияси жараёнининг олди олинади, сабаби, ер устидан оқиб келадиган сув ишлов берилган тупроқда ушланиб қолади, яхши сингади, бу эса қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигига, айниқса қурғоқчилик минтақаларида, ижобий таъсир кўрсатади.

Қияликка кўндаланг ишлов берилганда қишлоқ хўжалик техникаси унумдорлиги ошади, сабаби, тиркама машиналарнинг тортиш қаршилиги енгил учун қўшимча қувват сарфланмайди. Масалан, агар 3° гача нишабликда техниканинг унумдорлиги ва ёнилғи сарфини 1 тенг деб қабул қилсак, 7° юқори нишабликда у мос тарзда 0,84 ва 1,10 гача ўзгаради.



3- расм. Ишчи участкалар чегараларини лойиҳалаш:

а-тўғри чизиқли; б-контурли; в-горизонталларга нисбатан бурчак остида; г-сув оқиш чизигининг йўл қўйилиши мумкин бўлмаган узунлигида;

$S_{i, \kappa}$ - тўғри чизикли ишлов беришда горизонталлар орасидаги йўл қўйилиши мумкин бўлган масофа; $i_{ишчи \, i, \kappa}$ - йўл қўйилиши мумкин бўлган ишчи нишаблик; $L_{i, \kappa}$ - сув оқиш чизигининг йўл қўйилган узунлиги.

Мураккаб қияликларда, тупроқларга тўғри чизик бўйлаб, ҳаттоки, қияликка кўндаланг ишлов беришда ҳам эрозияга қарши самарани, айниқса профилнинг эгилган жойларида, таъминламаганида, у контурли ишлов бериш билан алмаштирилади. Контурли ишлов беришда ишчи участкалар иложи борица параллел эгри чегаралар билан ажратилган, горизонталларга максимал яқинлатилган полосалар шаклида лойиҳаланади (1- а,б, расмлар).

Қияликларда ишчи участкалари чегараларини лойиҳалашнинг йўл қўйиладиган ўлчамларини аниқлаш учун Воронеж Давлат аграр университети олимлари томонидан ишланган меъёрлардан фойдаланилади. [17].

5-жадвал

Қияликларда чизикли элментларни лойиҳалашнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган ўлчамлари шкаласи

Ишчи нишаблик, (градусда)	Тупроқларга боғлиқ ҳолда сув оқимининг ўртача йўл қўйиладиган тезлиги, 1 см											
	Тоza шудгор (пар), кузги шудгор, канд лавлагиси, маккажухори (дон)				Кунгабоқар, яшил озуқа учун маккажухори				Баҳорги ғалла, банд шудгор (пар) (вика, сули)			
	0.12	0.14	0.17	0.20	0.12	0.14	0.17	0.20	0.12	0.14	0.17	0.20
0.5	97	132	195	270	130	177	260	360	197	279	396	550
1	68	91	136	191	92	125	184	255	139	190	280	389
1.5	56	77	113	156	75	101	150	207	114	155	230	318
2	48	66	98	135	65	88	129	179	99	135	199	276
2.5	43	59	87	121	58	79	116	162	89	121	178	246
3	39	54	80	110	53	72	106	147	81	110	162	225
3.5	36	50	75	103	49	67	98	136	75	101	150	204
4	34	47	69	96	46	62	92	127	70	95	140	195

4.5	33	45	66	91	43	59	87	120	66	89	132	183
5	31	42	62	86	41	56	82	114	63	85	125	174
5.5	29	40	60	83	39	53	80	108	59	81	119	165
6	28	38	56	78	37	51	75	104	57	78	114	158
6.5	27	37	54	75	36	49	72	100	55	75	110	153
7	26	35	52	72	35	47	69	96	53	72	106	147
7.5	25	34	50	70	33	45	67	93	51	69	102	141
8	24	33	48	67	32	44	64	89	49	67	98	136
8.5	23.5	32	47	66	31	43	63	87	48	65	96	133
9	23	31	46	64	30	41	61	85	46	63	93	129
9.5	22	30	45	62	29.5	40	59	82	45	62	91	125
10	21.5	29	44	60	29	39	58	80	44	60	89	123

Далалар ва ишчи участкаларнинг узун чегаралари рельефнинг сув ажратадиган, сув йиғиладиган жойлари, қияликлар профилидаги эгилган жойлар бўйлаб, қияликларга кўндаланг, калта томони эса қиялик бўйлаб, горизонталлар йўналишига перпендикуляр қилиб лойихаланади. Ҳар қандай чегараларни горизонталларга 45° бурчак остида жойлаштириш мақсадга мувофиқ эмас: бу сув оқимининг улар бўйлаб максимал йиғилишига олиб келади.

Ишчи участкаларининг кенглиги жойнинг рельефи кескин шароитида оқим чизиғининг йўл кўйиладиган узунлигига, қияликнинг нишаблигига, тупроқлар типларига, ёғингарчиликнинг интенсивлигига боғлиқ қолда ўтказиладиган ҳисоблашлар асосида белгиланади.

Далалар ва ишчи участкаларнинг рельефга нисбатан тўғри жойлаштирилганлигини баҳолаш учун шудгорлашдаги ишчи йўналиши (ишчи нишаблиги) бўйича ўртача узунасига нишаблик i_p ҳисобланади. Лойиханинг кичик ишчи нишаблигига эга ечими асос қилиб қабул қилинади. Лойихалашда ишчи нишабликларни $0,5-1^\circ$ оширмасликка ҳаракат қилиш керак, акс қолда

тупроқларга тўғри ишлов бериш контурли ишлов беришга ўзгартирилади. Айрим участкаларда тупроқларга тўғри чизиқли ишлов беришда ишчи нишабликлар белгиланган қийматлардан ошиши мумкин. **Бу ошишининг йўл қўйилиши мумкин бўлган ўлчамларини аниқлаш учун 2.1-жадвал маълумотларидан фойдаланилади. Масалан, агар оқимнинг бўш шудгорда (парда) йўл қўйиладиган тезлиги 1 с 0,20 м бўлганда максимал ишчи нишабликка эга масофа 110 м ошмайди, бу йўналишдаги нишаблик 3° тенг бўлиши мумкин.**

Ишчи нишаблик қуйидаги ифода билан аниқланади:


$$i_u = \frac{h}{D}$$

бунда h - рельеф нуқталари орасидаги баландликлар фарқи, м; D - орасидаги масофа, м.

Ишчи нишаблик i_u қиймати, одатда, фоизларда ёки градусларда кўрсатилади:

$$I_p \% = \frac{i_u}{1.75} \cdot 100; \quad i_u \% = 1.75 \cdot i_p$$

Бу ифодадан мураккаб бўлмаган тўғри қияликлардаги ҳисоблашларда фойдаланилади. Кескин рельефда ўртача ишчи нишабликларни аниқлаш учун профессор Г.В.Чешихин таклиф этган усул бўйича параллел чизиқли палеткадан



фойдаланилади.

4- расм. Ўртача ишчи нишабликни аниқлаш.

1,2,3 - палетка чизиқлари; 0,4; 0,6 ва ш.ў. - тўла эмас оралиқлар; x - палетка чизиқларидаги тўла оралиқлар.

Ишчи участкага палетка шундай қўйилиши керакки (2 расм), бунда унинг чизиқлари тупроқларга ишлов беришнинг асосий йўналишига мос, яъни, ишчи участканинг узун томонига параллел бўлиши керак: Ўртача ишчи нишабликни аниқлаш учун қуйидаги ифодадан фойдаланилади:

$$I_u \% = \frac{Ah}{\sum D} 100$$

бунда A - дала ёки участка чегараларига тушган палетканинг барча чизиқларидаги бутун ва тўла эмас горизонталлар оралиқлари йиғиндиси; h - рельеф қиркимининг баландлиги, м; $\sum D$ - дала ёки участканинг чегарасидаги палетканинг параллел чизиқларининг умумий узунлиги (горизонталлар оралиқларининг йиғиндиси), м

2-расмда келтирилган мисол учун $A=12,5$ (8+4,5), бунда 8-бутун оралиқлар сони; 4,5 - тўла эмас оралиқлар сони;

$$\sum D = 2400 \text{ м (} 800 \text{ ch} = 2400 \text{); } h=5:$$

$$I_{ж} = \frac{12,5 \cdot 5}{2400} 100 = 2,6\% (1,5^\circ)$$

Далалар жойлаштирилишини баҳолаш учун ишчи нишаблик дала ёки участка ерларининг ўртача нишаблиги ($i_{ж}$) билан ҳам солиштирилади. Жойнинг ўртача нишаблиги қуйидаги ифода бўйича аниқланади:

$$I_{ж} = \frac{ch}{p} 100$$

бунда c - участка чегараси ичидаги горизонталларнинг умумий узунлиги, м; h - рельеф кесимининг баландлиги, м; p - участка майдони, м².

Масалан, майдони 36 га бўлган дала ҳудудида оралиғи 5 м горизонталлар узунлиги 3,2 км тенг. Унда

$$5 \cdot 3200 \cdot 100$$

$$I_{ж.} = \frac{\quad}{360000} = 4,4\%.$$

Кўриниб турибдики, участканинг ўртача ишчи нишаблиги жойнинг ўртача нишаблигидан 1,8% кичик (4,4-2,6), бу рельефнинг ишларни бажаришга таъсири юмшашини кўрсатади.

Тупроқ шароитларини ҳисобга олиш. Жойнинг рельефи билан тупроқ қатламининг сифати - унинг ҳаво-сув, иссиқлик режимлари, тупроқ пайдо бўлиш жараёни шароитлари, механик таркиби, демак, агротехник технологик хусусиятлари, унумдорлиги ҳам чамбарчас боғлиқ бўлади.

Ишчи участкаси тупроқлари, уларнинг механик таркиби, ҳудуднинг мелиоратив тузилганлиги бўйича бир хил бўлиши керак. Бу унинг ҳудудида барча ўсимликлар ўсиши ва ривожланиши учун бир хил шароит бўлиши, деҳқончилик тизимининг бир типдаги элементларини қўллаш мумкин бўлиши, (уруғлик экиш, суғориш меъёрлари, ўғит солиш миқдори, тупроқларга ишлов бериш ва машиналарнинг бир хил тизими) қишлоқ хўжалик техникаси ишчи органларини тартибга солишнинг мос тамойиллари ва бошқ. учун зарур.

Участканинг барча ҳудудида қуйидагилар бир хил бўлиши керак:

тупроқлар типлари, жинслари, турлари; тупроқларнинг механик таркиби; тупроқ унумдорлиги балансини ташкил этувчи элементларининг бошланғич қиймати (гумус, азот, фосфор, калий ва бошқ. миқдори); тупроқлар кислоталашиши; ҳудуднинг мелиорация объектлари билан жиҳозланиш даражаси (фақат суғориладиган, захи қочириладиган, ортиқча намланган, шўрланган, ифлосланган, заҳарланган ва бошқа ерларни қўшиб);

тупроқларнинг ювилиш даражаси (ювилмаган, кучсиз ювилган, ўрта ювилган, кучли ювилган).

Рельефни ва тупроқларни ҳисобга олиб ишчи участкаларни ажратишда агротехник ва бошқа шароитлар (иссиқлик билан

таъминланиши, совуққа чидамлилиги, намлик билан таъминланиши, шамол режими, сояланиши, сизот сувлари чуқурлиги ва бошқ.) ҳам баҳоланади.

Ифлосланишни баҳолашда саноат ва маиший чиқиндилар, автотранспорт газлари, оғир металллар, нефт ва нефт маҳсулотлари, қишлоқ ва ўрмон хўжаликлари кимёлаш воситалари, чорвачилик фермалари ва мажмуалари оқовалари, радионуклидлар ҳисобга олинади. Ҳар бир участкада тупроққа ва ўсимликларга энг кучли салбий таъсир кўрсагадиган ифлослантирувчилар аниқланади.

Инсоннинг хўжалик фаолиятида жойнинг рельефи, тупроқлари, иқлими хусусиятларини комплекс ҳисобга олиш, ҳудуднинг агроэкологик хусусиятларини баҳолашда амалга оширилади, шунинг учун маълум хўжалик ерларининг агроэкологик классификацияси мавжуд бўлганда, ишчи участкалар экологик бир хил қилиб лойиҳаланади.

Далалар ва ишчи (сугориш) участкаларининг майдонини, томонлари ўлчамларини, шакллари ҳисобга олиш. Далалар майдони, уларнинг узунлиги ва эни, шакли ишчи жараёнларини тўғри ташкил этиш ва қишлоқ хўжалик техникасидан энг унумли фойдаланиш талабларидан келиб чиқиб белгиланади. Бунда, ҳудуднинг хусусиятлари (ҳайдалма массивларнинг майдони ва жойлашиш тавсифи, тупроқлари, рельефи, ҳайдалма ерларнинг ариқлар, йўллар, сойлар билан бўлиниши, алмашлаб экишнинг ўзлаштирилган далаларининг мавжуд чегаралари) ҳисобга олинади.

Далалар томонлари ўлчамларига ва шаклларига уларда қияликларда айрим ишлов бериладиган ишчи участкаларни лойиҳалаш хусусиятлари, уларнинг чегараларини жойлаштиришга қўйиладиган талаблар, чўл ва ўрмон-чўл минтақаларида ихота ўрмон полосалари ҳам таъсир этади. Ҳамма дала ишлари ишчи участкалар чегарасида ўтказилади. Энг яхши ечим дала битта ёки бир неча бутун агротехник жихатдан бир хил ишчи участкалардан ташкил топганда, ҳисобланади.

Дала (ишчи участка) узунлиги трактор агрегатлари ишчи юриши узунлигини ва узунасига ишлов беришдаги бефойда айланишлар ва кириб-чиқишлар харажатларининг нисбий қийматини белгилайди. Дала узунлиги канча катта бўлса, бефойда айланишлар ва кириб чиқишлар харажатлари шунча кам ва қишлоқ хўжалик техникаси унумдорлиги юқори бўлади

Далаларнинг (ишчи участкаларининг) чўл минтақаларидаги оптимал узунликлари 2000-2500 м, ўрмон-чўл минтақаларида 1500-2000 м, ноқоратупроқ полосасида 1000 м катта ҳисобланади. Суғориладиган ҳайдалма ерларнинг майда контурлилигида механизаторлар узунлиги 150-200 м ва ундан қам кам участкаларга ишлов беришга мажбур бўлишади.

Ишчи масофа узунлиги тўғри бурчакли далаларда планда ўлчаш йўли билан аниқланади. Тўғри бурчакли бўлмаган (эгри-бугри) шаклдаги далаларда бу узунлик қуйидаги ифодалар бўйича ҳисобланади:

$$L_p = \frac{P}{B}; \quad B = \frac{3H + c + d}{5}; \quad L_p = \frac{5P}{3H + c + d};$$

бунда P – дала майдони, m^2 ; B -даланинг ҳисобланган шартли кенглиги, м; H -участка шаклининг геометрик баландлиги, м; c, d^1 - трапециянинг асос томонлари узунлиги (нотўғри шаклдаги участкалар учун c ва d асосий ишлов бериш йўналишига параллел бўлмаган чизиқлари узунлиги).

Далалар (ишчи участкалар) эни уларнинг майдонига ва белгиланган узунлигига боғлиқ ҳолда аниқланади. Текислик жойларда далалар (ишчи участкалар) эни асосий ихота ўрмон полосалари орасидаги масофа (400-600м) ва далада ишчи жараёнларини оқилона ташкил этиш талаблари: участкани ишчи трактор агрегатлари айланадиган участкаларга бўлиш, агрегатларнинг ишлаш усуллари ва ишлов бериш кенглиги билан боғланади.

Далалар (ишчи участкалар) энини (кенглигини), ҳамда далалар томонлари нисбатларини белгилашда ишларнинг бир қисми далада кўндаланг йўналишда бажарилиши зарурлиги (кўндалангига экиш, чопик

қилинадиган экинларни культивациялаш, кузги ғалланинг экин қаторларини кўндаланг ёки бурчак остида бороналаш, айрим пайтларда ётиб қолган ғаллани ўриш) ҳам ҳисобга олинади.

Профессор В.Я.Заплетин маълумотлари бўйича қишлоқ хўжалик техникасининг бефойда айланиш ва кириб чиқишларининг минимал харажатларини таъминловчи даланинг оптимал узунлиги (L_p) ва унинг кенглигини (B) қуйидаги ифодалар бўйича аниқлаш мумкин, м.:

$$L_p = \sqrt{\frac{K_1}{K_2}} P; \quad B = \sqrt{\frac{K_2}{K_1}} P,$$

бунда K_1 , K_2 - узунасига ва кўндалаиғига бажариладиган барча механизация ишлари улуши мос тарзда, %.

Масалан, агар дала майдони 100 га, узунасига бажариладиган ишлар улуши 80% кўндалангига - 20 % бўлса,

$$L_p = \sqrt{\frac{80}{20}} 1\,000\,000 = 2000; \quad B = \sqrt{\frac{20}{80}} 1\,000\,000 = 500;$$

Дала кенглиги ва унинг узунлигининг энг яхши нисбати суғорилмайдиган ҳудудларда 1:4, суғорма деҳқончилик шароитида эса - 1:2, 1:3 ташкил этади.

Далалар (ишчи участкалар) шакллариға қуйидаги талаблар қўйилади:

квадратлар ва тўғри бурчакли (тўғри тўртбурчак), томонлари нисбати оптимал бўлган шакллар яхши ҳисобланади, улар ишларни ҳам узунасига, ҳам кўндалангига ишланмай қолган жойлар, қолдиқ учбурчаклар ва ўткир қирраларсиз тўғри ташкил этиш имконини беради;

тупроқларға асосий ишлов бериш йўналиши улар бўйлаб белгиланадиган далаларнинг узун томонлари параллеллигини, имкон бориға калта томонларининг ҳам, сақлаш керак;

далаларни тўғри бурчакли трапеция, тўғри чизикдан оғиш бурчаклари 20-30° дан ошмайдиган трапеция, параллелограмлар шаклида лойиҳалаш мумкин, сабаби, ён томонларининг тўғри бурчакдан катта оғиши бефойда

айланишлар ва кириб чиқишлар учун вақт сарфини кескин оширади, иш сифатини пасайтиради ва уларни бажаришда ноқулайликлар яратади;

агар ҳайдалма ерларга бошқа ер турлари (бутазорлар, яйловлар, пичанзорлар ва бошқ.) контурлари кириб қолса ёки суқилиб кирса, ҳудудда далаларни тўғри жойлаштиришга ҳалақит қиладиган товоқсимон микрочуқурчалар, кичик ўйиқлар, ўпирилган жойлар бўлса, ноқулай контурларни ҳайдалма ерларга ўзлаштириш ва ер юзасини текислаш мақсадида мелиора'ция ва маданий - техник ишларни ўтказиш кўзда тутилади;

агар контурлар ҳайдалма ерларга қўшилиши мумкин бўлмаса, далалар чегаралари ҳайдалма ерларнинг ичига кириб қолган бошқа ер участкалари бўлмаган қисмига ишлов бериш қулайлигидан келиб чиқиб, уларни майдаламасдан лойиҳаланади; бунда далаларга қисмлари бўйича ишлов берилади, уларнинг сонини минимумга тушириш керак;

далалар ва ишчи участкаларни тўғри шаклда лойиқалаш мақсадида чегаралари ичида тупроқлари, рельефи ва бршқа шароитлари бўйича асосий майдоннинг 15% гача ҳар хилликка (тупроқлар типлари, механик таркиби, эрозияга учраш даражаси, нишаблиги ва бошқ.) йўл қўйилади;

қишлоқ хўжалик техникасининг участкадан участкага ўтишидаги бефойда юришларига, ўтишларга тайёрланиш ва агрегатларни транспорт ҳолатига келтириш учун сарфланадиган вақтни ҳам қўшиб, сарфланадиган вақт ва маблағларни тежаш учун бир даладаги ишчи участкалари сони минимал бўлишига, дала эса бир ихчам массив бўлиб жойлашишига ҳаракат қилиш керак;

Ерлар сифати ҳар хил бўлганда дала чегаралари ичида лойиҳада органик ва минерал ўғитларнинг оширилган меъёрларини бериш, ерларни маданийлаштириш ва бошқ. ҳисобига тупроқ унумдорликларини тенглаштириш бўйича тадбирлар кўзда тутилади.

Агар дала учбурчак, параллел эмас ва эгри чизикли узун томонларига эга, нотўғри тўрт бурчак шаклида бўлса, ҳамма вақт ишлов бериш учун қулайсиз ва калта ишланмаган жойлар қолади, бу шудгорланмаган, экилмаган жойлар қолишига, қўшимча вақт ва ёнилғи сарфига, ишлар сифатининг пасайишига, машиналар ейилишининг кучайишига олиб келади.

Далаларнинг (ишчи участкаларнинг) параллел узун томонли тўғри бурчакли шакли айниқса сабзавот ва ферма ёнидаги, кўндаланг йўналишда катта ишларни талаб қиладиган, ҳайдаладиган экинлари кўп алмашлаб экишларда катта ақамиятга эга.

Алмашлаб экиш далалари чегараларининг жойлашишига қияликлар йўналишлари, массивлар шакли ва жойлашиши, асосий йўллар жойлашиши, шамолларнинг асосий йўналишлари, ўсимликларга ёруғлиқтушиш ва қизитиш шароитларини ҳисобга оладиган экин қаторлари жойлашиши таъсир этади.

Далалар тенглиги талабини ҳисобга олиш. Алмашлаб экишда далалар майдонлари бир хил бўлганда алмашлаб экиш ротацияси йиллари бўйича бир хил қишлоқ хўжалик экинлари майдонларининг доимийлиги; айрим экинлар ҳосилининг бир хиллиги; ҳар хил йилларда тахминан бир хил дала ва транспорт ишлари ҳажми таъминланади.

Аммо, амалиётда кенглик шароитлари (йирик ҳайдалма массивлар, ерларнинг бўлакланиши ва ажралиб жойлашиши) ва ҳайдалма ерлар хусусиятлари (унумдорлигидаги, рельефидаги, намланишидаги фарқ) планда лойиҳаланган ва жойларга кўчирилган далалар майдонларининг ўртача майдонлардан оғишига олиб келади.

Даланинг ўртача майдони P_g алмашлаб экишнинг умумий майдонини P_a далалар сонига (N) бўлиш йўли билан аниқланади:

$$P_g = \frac{P_a}{N},$$

Аммо, далалар ҳар хил унумдорликка эга бўлиши мумкинлиги сабабли, далаларнинг шартли майдонлари $P_{\text{дшм}}$ аниқланади:

$$P_{\text{дшм}} = \frac{P_1 \cdot B}{100},$$

бунда B - далани баҳолаш балли.

Тупроқлар сифатини ҳисобга олиб, далалар тенглигини баҳолаш қуйидаги шакл бўйича ўтказилади (6- жадвал)

6-жадвал

Дала алмашлаб экиши далаларининг тенглиги ва сифати бир хиллиги тавсифи

Даланинг тартиб рақами	Ҳақиқий майдон, га	Баҳолаш балли	Шартли майдон, га	Ўртача майдондан фарқи			
				Ҳақиқий		Шартли	
				га	%	га	%
I	105	79	83,0	+5	+5	-1,7	-2,0
II	92	91	83,0	-8	-8	-1,0	-1,2
III	87	93	80,1	-13	-13	-4,6	- 5,4
IV	120	75	90,0	+20	+20	+5,3	+6,2
V	93	90	83,7	-7	-7	-1,0	-1,2
VI	98	88	86,1	-2	-2	+ 1,4	+ 1,6
VII	104	83	86,3	+4	+4	+ 1,6	+ 1.9
ўртача	100	-	84,7	-	-	-	-

Жадвалдан кўришиб турибдики, далалар майдонларининг ўртача майдондан максимал фарқи +20 % (IV дала бўйича) ташкил этади. Далалар шартли майдонларининг ўртача майдондан фарқи эса 6,2% ошмайди, бу лойиҳалашда тупроқлар сифати ҳисобга олинганлигини кўрсатади.

Текислик жойларда ҳайдалма ерларнинг катта майдонларида далалар майдонларининг ўртача майдонлардан фарқини минимумга туширишга ҳаракат қилинади (5-10% катта бўлмаган). Мураккаб шароитларда, айниқса майда контурлиликда ва ерларнинг парчаланишида дала алмашлаб экишида даланинг ўртача майдонидан 10-12% гача фарқ бўлишига, айрим ҳолларда дала ишларини бажариш учун ноқулай кичик участкаларни қирқиб қўшишга йўл қўймаслик учун каттароқ фарққа ҳам йўл қўйилади.

Тупроқларни химоялавчи алмашлаб экишларда ҳар бир дала агротехник жихатдан бир хил ишчи участкаларидан ташкил қилинганда, уларни майдаламаслик учун максимал фарқ 20 % гача йўл қўйилади.

Агар майдонлардаги фарқ йўл қўйиладиганидан катта бўлса, далаларни жойлаштириш қайта кўриб чиқилади ёки далалар сони ва алмашлаб экиш ротацияси ўзгартирилади.

Далалар майдонларининг ўртачадан катта фарқига алмашлаб экишнинг бир неча далаларида бир хил етакчи экинлар мавжуд бўлганда; ишлаб чиқариш бўлимида бир хил тип ва турдаги бир неча алмашлаб экишлар лойиҳаланганда йўл қўйилиши мумкин.

Худуднинг мавжуд ва лойиҳада кўзда тутилган ташкил этилишини ҳисобга олиш. Худудни ташкил этишнинг мавжуд элементлари (йўллар, ихота дарахтлари полосалари, каналлар. ўзлаштирилган алмашлаб экишлар далалари чегаралари) оддинги йилларда ишланган, катта капитал харажатлар талаб этган ер тузиш лойиҳаларини ўзлаштириш натижасида пайдо бўлган, шунинг учун далаларни ва ишчи участкаларни жойлаштиришда уларни иложи борича сақлаб қолиш керак.

Агар дала йўллари ва ихота дарахтлари полосалари нотўғри жойлашган, сунъий сув йиғилишига олиб келадиган, сув оқимини жамлайдиган, эрозиянинг ривожланишига, жарликлар ўсишига, ўпирилишлар пайдо бўлишига олиб келадиган бўлса камчиликлар қуйидаги йўллар билан тузатилади: ке-раксиз дала йўллари шудгорланади, айрим ихота дарахтлари полосалари ёки уларнинг бўлаклари йўқотилади, каналлар кўмилади. Йўлларни тўғрилаш ёки ўрнини ўзгартиришда, уларнинг қўшни ер эгаликлари ва ердан фойдаланишлар чегараларига чиқиш жойлари сақланади. Бундай қайта қуриш катта капитал харажатларни талаб этади, шунинг учун мумкин бўлган ечимларни чуқур асослаш ва баҳолаш зарур.

Лойиҳалашда ўзлаштирилган алмашлаб экишлар далалари чегараларини ҳам, айниқса, ҳар хил фойдаланиш муддатларига эга кўп

йиллик ўтлар экилганларини, максимал сақлаб қолишга ҳаракат қилиш керак. Бунда янги далапар олдин экилган экинлар таркиби бўйича бир хил қилиб тузилади, бу янги алмашлаб экишларга тезда ўтишни таъминлайди.

Агар улар бир жойда жойлашган ва дала майдонидан катта бўлмаса, уларда кўшимча алмашлаб экиш даласи лойиҳаланади ва ротация йиллари узайтирилади. Даставвал, бу далада кўп йиллик ўтлар (1-3 йил) жойлаштирилади. Алмашлаб экишга ўзлаштириш учун кўшимча харажатлар талаб қилмайдиган тоза, шудгорлашга яроқли яйловлар ва пичанзорлар майдонлари қўшиладиган бўлса, улар олдин экилган экинлар (кўп йиллик ўтлар) сифатида ҳисобга олинади ва алмашлаб экишга ўтиш режасида кўзда тутилган тартиб ва муддатларда алмашлаб экишга киритилади.

Алмашлаб экиш далаларини жойлаштириш алмашлаб экишлар ҳудудини тузишнинг бошқа элементларини: ихота дарахтлари полосалари, дала йўллари, дала шийпонлари, дала сув таъминоти манбааларини жойлаштириш билан ажралмас боғлиқ ҳолда олиб борилади.

Ихота дарахтлари полосаларини жойлаштириш. Ҳайдалма ерларда яратиладиган ҳимоя дарахтлари полосалари уч турга бўлинади:

1. Далани ҳимоялавчи (шамолни синдирувчи), тупроқларнинг сув эрозияси йўқ текислик ҳудудларда ва ясси қияликларда жойлаштириладиган, бўйлама (асосий) ва кўндаланг (ёрдамчи) полосаларидан ташкил топадиган.

2. Сув ажратадиган жойлардаги, рельефнинг баландликлари қирраларидаги сув ажратувчи элементларда жойлашадиган.

3. Сувларни тартибга солувчи, ер юзасидан оқадиган сувларни ушлаш ва тупроқлар ювилишининг олдини олиш учун қияликларга кўндаланг жойлаштириладиган.

Агар алмашлаб экиш далалари бевосита жарликлар ва сойлар қирғоқларига туташадиган бўлса, улар чегаралари бўйлаб жарбўйи ва сойбўйи ўрмон полосалари жойлаштирилади.

Текислик жойларда далаларни муҳофаза қилувчи (шамолни синдирувчи) ўрмон полосалари лойиҳаланади. Унинг вазифаси - шамол тезлигини пасайтириш, қорларни ушлаш ва уларни текис тақсимлаш, тупроқлар ва ҳавонинг намлигини ошириш, қишлоқ хўжалик зараркунандаларнинг табиий душманларини - қушлар, ҳашоротлар ва бошқ. кўпайтиришдир. Ихота дарахтлари полосалари билан ҳимояланган майдонларда қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги кўтарилади. Ҳимояланган минтақадаги ҳосилдорликнинг ошиши озиқ-овқат ва техника экинлар бўйича 25-30%, сабзавотлар ва озуқа экинларининг яшил массаси бўйича - 35-40% етади деб ҳисоблаш қабул қилинган.

Ихота дарахтлари полосаларини лойиҳалашда уларнинг йўналишлари; ихота полосалари орасидаги масофа ва уларнинг кенглиги белгиланади.

Текислик жойларда бўйлама (асосий) полосаларнинг йўналишлари иложи борица зарарли шамолларнинг (жанубий чўл туманларида-гармселлар ва чанг-тўзонли бўронлар келтириб чиқарадиган шамоллар, шимолий туманларда - қор бўронли шамоллар) асосий йўналишларига кўндаланг (перпендикуляр) қилиб белгиланади.

Бўйлама (асосий) ўрмон полосалари одатда алмашлаб экиш далаларининг узун томонлари билан боғланади, майонлари катта бўлганда улар далалар ичида ҳам лойиҳаланади. Бўйлама полосаларга перпендикуляр қилиб кўндаланг (ёрдамчи) полосалар далаларнинг калта томонлари бўйлаб жойлаштирилади.

Бўйлама (асосий) ўрмон полосалари орасидаги масофа далаларни зарарли шамоллардан яхши ҳимоялашни таъминлаши керак. Бу масалани ечиш талабига дарахтлар баландлигидан 20-30 марта катта масофа, тупроқлар турла-рига қараб 350-600 м жавоб беради.

Кўндаланг полосалар орасидаги масофа 2000 м гача, қумлоқ тупроқларда -1000 м гача қилиб белгиланади.

Иҳота дарахтлари полосалари кенглиги улар тузулиши (конструкцияси) билан боғланади. Далаларни муҳофаза қилувчи (шамолни синдирувчи) полосалар одатда шамол ўтказадиган тузулишда (конструкцияда), камдан-кам ҳолларда елвизакли (ажурли), 3-4-5 қаторли, кенглиги 9, 11, 13 м қилиб лойиҳаланади. Ўрмон полосалари учун ҳайдалма ерларни тежаб-тергаб сарфлаш мақсадида, ҳамда уларни яратиш ва парваришлаш учун харажатлар катталигини ҳисобга олиб, иҳота дарахтлари учун минимал зарур майдонни аниқлашга ҳаракат қилинади.

Иҳота дарахтлари полосалари ҳимояладиган майдон P қуйидаги ифода бўйича аниқланади:

$$P = L_1 C_1 + L_2 C_2 - C_1 C_2 n,$$

бунда L_1 L_2 - мос тарзда барча бўйлама ва кўндаланг ўрмон полосаларининг умумий узунлиги, м; C_1 C_2 –мос тарзда бўйлама ва кўндаланг ўрмон полосаларининг ҳимоя таъсири полосалари кенглиги, м; n - полосалар ора-сидаги участкаларнинг умумий сони.

C_1 ва C_2 қийматлари қуйидаги ифода бўйича ҳисобланади:

$$C_{1,2} = PK_{ип} K_a$$

бунда H – иҳота дарахтлари полосаларининг ўртача баландлиги (10-15 м); $K_{ип}$ - иҳота дарахтлари полосаси ҳимоя таъсирининг карралиги (25-30); K_a -шамол йўналиши ва иҳота полосаси ташкил этадиган бурчакларнинг тўртга жуфт йўналишлари бўйича (шл+ж, шлшқ+жғ, шқ+ғ, шлғ+жшқ) шамоллар такрорланишига боғлиқ ҳимоя таъсирининг ўртача коэффиценти

$$K_a = \frac{\sum K_{aifi}}{100},$$

бунда K_{a_i} , - шамолнинг ихота полосасига урилиш бурчагига боғлиқ химоя таъсири коэффиоенти (а); $\angle$ - тўртта жуфт йўналишлар бўйича шамоллар такрорланши, %.

K_{a_1} қиймати қуйидагидек қабул қилинади: а 90° учун -1,0; 80°- 0,98; 70°- 94; 60°- 87; 50°- 0,77; 45°- 0,71; 40°- 64; 30°- 0,50; 20°- 0,35; 10°- 0,20; 0°- 0,05.

Ихота дарахтлари полосаларини яратиш харажатларини ҳамда ихота дарахтлари полосаларининг агроиклимий таъсири ҳисобига ҳимояланган майдонлардан олинадиган соф даромадни ҳисобга олиб, капитал харажатлар самарадорлиги ҳисобланади

Сувларни ажратадиган жойлардаги ва сувларни тартибга соладиган ўрмон полосаларига таъсир этувчи асосий омил жойнинг рельефи ҳисобланади.

Сувларни ажратувчи жойлардаги кенглиги 10 метргача бўлган полосалар сув ажратувчи чизиклар йўналиши бўйича улардан курукрок жанубий ва жанубий-шарқий йўналишлардаги қияликлар томонга сурилиб лойиҳаланади.

Сувларни тартибга солувчи кенглиги 10-15 м ўрмон полосалари қияликка кўндаланг горизонталлар йўналишида жойлаштирилади, далалар ва ишчи участкалар чегараларига боғланади.

Шамолни қайтарувчи ўрмон полосаларига нисбатан қишда йўлларда қор кам бўлиши ва уларда шамол яхши эсиб туриши учун дала йўллари уларнииг шамол тегадиган томонидан лойиҳаланади.

Дала йўллари рельеф бўйича ўрмон полосаларидан юқорида, горизонт томонлари бўйича эса соя кам тушадиган, яхши қизийдиган жанубий томонида жойлаштирилади.

Ўрмон полосалари яқин жойлашган ҳудудга салбий таъсир ҳам кўрсатади, у экинларнинг сояда қийналиши, қор уюмларининг пайдо бўлиши, тупроқлар ва ҳаво намлигининг ҳаддан ташқари ошиши, дарахтлар

илдизларининг экинларга таъсири, айланиш полосаларидаги экинларнинг топталиши ва бошқ. кўринишида намаён бўлади. Бу таъсир, асосан, 0-1,5Н (ўрмон полосаларидан 50 метргача) бўлган минтақада кўзга ташланади, шунинг учун қатор вазиятларда, ўрмон полосалари бўйлаб кўп йиллик ўтлар тасма шаклида жойлаштирилади.

Дала йўллари жойлаштириш. Дала йўллари мавжуд ёки янгидан қурилатган магистрал йўлларга қўшимча қилиб, шундай ҳисобда лойиҳаланадики, улар тармоғи хўжалик ҳудудида транспорт алоқаларини, ҳамда далаларда қишлоқ хўжалик техникасига хизмат кўрсатишни таъминласин.

Дала йўллари лойиҳалашда қуйидагиларни таъминлаш керак: хоҳлаган далага ва ишчи участкага келишни; йўлларнинг жойлашган ўрнини далалар, ишчи участкалар чегаралари, ўрмон полосалари, гидротехник иншоотлар билан боғлашни;

далада технологик жараёнларни бажариш ва техникага хизмат кўрсатиш қулайлигини; қурилиш меъёрлари ва қоидаларининг бажарилишини; хўжаликдаги ички магистрал йўллар билан алоқани; хўжалик марказлари, дала шийпонлари, машина-трактор парклари ва алмашлаб экиш далалари орасидаги энг қисқа алоқани.

Дала йўллари асосий ва ёрдамчи йўлларга бўлинади.

Асосий дала йўллари дала магистраллари аҳамиятига эга. Улар одатда, далалар гуруҳига ёки бутун алмашлаб экишга хизмат қилади ва одамларни, юкларни ташиш ва техника-ни олиб келиш учун мўлжалланади. Улар асосан, далаларнинг калта томонлари бўйлаб жойлаштирилади, шунинг учун асосий дала йўлларида технологик мақсадлар (агрегатларни ёнилғи, сув, уруғлик билан таъминлаш, техниканинг айланиши) учун ҳам фойдаланилади.

Асосий дала йўллари кенг қамровда техниканинг ўтишига, қарама-қарши йўналишларда ҳаракатланаётган машиналар ўтишига, технологик жараёнлар (юклаш ва тушириш, техник хизмат кўрсатиш ва ш.ў.) бажарилишига мосланган бўлиши керак. Бунинг учун уларнинг кенглиги 6 метрдан 10 метргача бўлиши керак.

Ёрдамчи кўндаланг йўллар, асосан хизмат кўрсатиш чизиғи сифатида фойдаланилади ва кенглиги 4-5 м қилиб лойиҳаланади. Улар далаларнинг қишлоқ хўжалик техникасига хизмат кўрсатишга қулай ва аҳоли яшаш жойига ёки дала шийпонига яқин жойлашаган томонларида жойлаштирилади.

Ёрдамчи бўйлама йўллар далаларнинг, полосалар орасидаги ва бошқа ишчи участкаларнинг узун томонлари бўйлаб жойлаштирилади. Уларнинг асосий вазифаси - ҳосилни олиб кетиш, ўғитларни олиб келиш, кўндалангига ишлов беришда агрегатларга хизмат кўрсатиш, бошқа далаларга ўтишни таъминлашдир. Бу йўлларда ҳаракат интенсивлиги кичик бўлгани учун, улар 3-4 м кенгликда лойиҳаланади.

Дала ишлари даврида технологик аҳамиятга эга (агрегатларни юкдан бўшатиш полосалари, ёнилғи қуйиш, ёнғинга қарши ва бошқ.) вақтинча йўллар ташкил этилади, улар лойиҳавий планга туширилади.

Дала йўллари дала ишлари даврида автомашиналар ва трактор агрегатларининг ўтиши учун яроқлилигини ҳисобга олиб лойиҳаланади. Шунинг учун улар, асосан, тупроқ йўллардир. Маблағ бўлса улар ҳар хил қўшимчалар билан (шағал, қум ва бошқ.) мустаҳкамланади, тўғриланади ва жипслаштирилади.

Алмашлаб экишларда йўл тармоғининг қалинлиги юк айланиш миқдорида, далалар ва ишчи участкалар сонига, майдонларига ва жойлашишига боғлиқ бўлади. Юк айланиши қанча юқори ва ишчи участкалар кўп бўлса йўл тармоғи қалинлиги шунча катта бўлади.

Дала шийпонларини ва сув таъминоти манбааларини лойиҳалаш.

Дала шийпонлари хўжалик марказларидан узоқдаги алмашлаб экиш массивларида ҳайдалма ерлар майдони катта бўлганда қурилади. Улар дала ишлари даврида механизаторлар ва ишчиларнинг қисқа муддатли ёки узоқ яшашлари, овқатланиш ва ҳордиқ чиқаришлари, қишлоқ хўжалик техникаси туриши ва уларни сақлаш, техник хизмат кўрсатиш, жорий ва профилактика таъмирлашларини ўтказиш, ишчиларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш учун хизмат қилади.

Дала шийпонлари қуйидаги турларга бўлинади:

капитал жиҳозланган, ҳайдалма ерлар массивлари қишлоқлардан 5 км ошиқ масофада жойлашганда ташкил этиладиган;

енгил типдаги, бинолари капитал жиҳозланмаган, бостирмалари, очик техника турадиган жойлари, иситилмаган бинолари бор;

кўчма, вагончаларда жиҳозланган ва кам сонли тез йиғиладиган вақтинчалик иншоотларга эга.

У ёки бу турдаги дала шийпонларини қуришнинг мақсадга

мувофиқлиги тўғрисида қарорни қабул қилиш умун қурилиш-га сарфланадиган капитал харажатлар, йиллик амортизация ажратмаси ва эксплуатация харажатлари ва ишчи кучини ташиш учун қилинадиган харажатларнинг пасайиши натижасида олинadиган фойда аниқланади.

Агар капитал харажатларнинг қопланиш коэффициенти (қопланиш муддати) меъёридан ошмаса ёки хўжаликка маъқул бўлса, дала шийпонини қуриш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Дала шийпони учун хизмат кўрсатиладиган массив марказида, сув таъминоти манбааси ва электр тармоғи ёнида жойлашган далалар ва ишчи участкаларга боришга қулай, санитария-гигиена, қурилиш-лойиҳалаш ва бошқа шароитлари бўйича яроқли ер майдончаси ажратилади.

Дала шийпонининг майдони намунавий лойиҳалар ёки ўхшашлар маълумотлари бўйича аниқланади.

Дала шийпонини жойлаштириш билан бир вақтда дала сув таъминотини ташкил этиш аниқланади. Лойиҳаланаётган сув манбааси (шахта қудуғи, артезан қудуғи) ишчи ва ماشийаларга қуйиш учун яроқли, етарли даражада яхши сувга эга бўлиши керак. Бир кеча-кундуздаги сув сарфи меъёрлари қуйидагидек: хўжалик-ичиш мақсадлари учун бир одамга - 40-60 л, тракторлар ва комбайнлар учун -120-150 л.

Сойлар, чуқурликлар ва бошқа табиий пастқамликлар мавжуд бўлганда қатор вазиятларда, комплекс фойдаланиладиган (суғориш, балиқ урчитиш, сувдан техника эҳтиёжлари учун фойдаланиш учун) қўллар қурилади.

Сув манбааларини жойлаштириш лойиҳасини иқтисодий баҳолашнинг асосий кўрсаткичлари дала сув таъминоти учун йиллик харажатлар ва сув иншоотларини қуриш учун харажатлар ҳисобланади. Қурилишнинг иқтисодий самараси ишлаб чиқаришнинг йиллик харажатлари камайиши, капитал харажатларнинг қопланиш муддати билан аниқланади.

Агар доимий сув таъминоти манбааларини қуриш самарасиз бўлса, дала сув таъминоти сувни ташиб олиб келиш йўли билан ташкил этилади.

2.2. Алмашлаб экишлар ҳудудини ташкил этиш бўйича намунавий ечимлар.

Алмашлаб экишлар ҳудудини тузиш лойиҳасининг услубларига, йўлларига ва асосланишига қишлоқ хўжалик корхонасининг табиий ва иқтисодий шароитлари сезиларли таъсир кўрсатади.

Ерларнинг юқори ўзлаштирилиш даражаси (80-90%), унумдор тупроқларнинг мавжуддиги, тез-тез такрорланиб турадиган гармсел ва чангли бўронлари, қурғоқчилик иқлими билан тавсифланадиган чўл минтақаларида лойиҳачининг асосий вазифаси ҳайдалма ерларни дефляциядан етарлик даражада ҳимоялашни ва қишлоқ хўжалик экинлари

учун яхши агроиклимий шароитлар яратилишини таъминлаш учун алмашлаб экиш далаларини, ўрмон полосаларини ва дала йўлларини тўғри ва келиштириб жойлаштиришдан иборат бўлади.

Лойиҳалаш ўрмон полосаларининг йўналишларини аниқлаш ва улар тармоғини жойлаштиришдан бошланади.

Чўлдаги текислик жойларда рельеф, бир хил тупроқлар ва ҳайдалма ерларнинг катта массивлари далалар ва полосалар орасидаги участкаларни тўғри шаклларда, механизация билан ишлов беришга қулай, ўрмон полосаларини эса ўзаро перпендикуляр йўналишларда лойиҳалаш имконини беради. Ўрмон полосалари ва полосалар орасидаги участкалар мавжуд бўлган ҳолатларда алмашлаб экишлар ҳудудини ташкил этишда далалар ушбу участкалардан, иложи борича уларнинг чегараларини ўзгартирмасдан ташкил этилади.

Дарахтлар ўсиши ёмон бўлган ҳамда ўрмон полосалари ўзини оқламайдиган шароитларда қишлоқ хўжалик экинларини полоса қилиб жойлаштириш, ҳимоя қаторлари ва бошқа дефляцияга қарши чоралар назарда тутилади.

Ўрмон-чўл минтақаларида сув эрозияси камроқ даражада ривожланган, шунинг учун алмашлаб экишлар ҳудудларини ташкил этишда икки усул қўлланилади.

Кескин рельефда олдин агротехник жиҳатдан бир хил участкалар ажратилади, кейин улардан танлаш йўли билан далалар тузилади. Ишчи участкалар чегараларига сувни тартибга солувчи, сув ажраладиган жойлардаги ва бошқа ўрмон полосалари, йўллар, чизиқли гидротехник иншоотлар (ғовлар, каналлар, қазилган чуқурлар ва бошқ.) боғланади. Участкалар ҳудудларида ерларнинг сифатини, уларнинг эрозияга учраш даражасини, экиладиган экин турларини ҳисобга олувчи эрозияга қарши агротехник тадбирларни (чуқур ҳайдаш, эгат олиш, чуқурчалар қилиш, қирқиш ва бошқ.) ўтказиш кўзда тутилади.

Агар рельефнинг кескинлиги кучсизроқ бўлса, олдин далалар жойлаштирилади, кейин эса улар ичида ишчи участкаларни ажратиб, далада ички ташкил этиш ўтказилади. Ҳар бир дала ва ишчи участка йўл билан таъминланади, ишчи участкаларни жойларда мустаҳкамлаш учун ўрмон полосаларини, кўп йиллик ўтларнинг ҳимоя полосаларини жойлаштириш кўзда тутилади.

Суғорма деҳқончилик шароитида алмашлаб экишлар ҳудудини ташкил этишга тупроқ қатламнинг ҳар хиллиги, ер турларининг парчаланганлиги ва майда контурлилиги, ҳайдалма ерлари участкаларининг нотўғри шакллари, ўпқонлар, майда чуқурликлар, ортикча намланган ерлар борлиги сезиларли таъсир кўрсатади.

Ҳайдалма ерларнинг майда контурлилигида алмашлаб экиш далалари белгиланган майдонни олиш учун, бир неча участкалардан танлаш йўли билан тузилади. Бунда дала ишларини механизациялаш шароитларини ёмонлаштирмаслик учун, бутун ҳайдалма ер участкаларининг янги далалар чегаралари билан бўлинишига йўл қўймасликка ҳаракат қилинади. Бунга йўл қўймаслик учун айрим далалар майдонларининг ўртача майдонлардан оғишларидаги фарқнинг ўсишига ва далага ҳар хил йўналишдаги, нишабликдаги қияликларни, тупроқларни қўшишга йўл қўйилади. Бундай вазиятларда далаларни комплекс агрокимёвий маданийлаштириш, тупроқлар унумдорлигини тенглаштириш мақсадида, органик ва минерал ўғитларнинг табақаланган меъёрларини бериш бўйича чоралар кўрилади.

Ерлари суғориладиган ва захи қочириладиган (қуритилидиган) минтақаларда далалар майдонлари, уларнинг шакли ва чегаралари суғориш ва зах қочириш каналлари, коллекторлари, ёмғирлатиб суғориш техникаси, суғориш ва зах қочириш усуллари билан боғланади. Мелиоратив тармоқларнинг мавжудлиги ва аҳволи, уларни қайта қуриш имко-нияти, йўлларнинг, ўрмон полосаларининг, насос станцияларининг ва бошқа инфратизим объектларининг жойлашган ўринлари ҳам эътиборга олинади.

Ер тузиш лойиҳаларининг ахборотлилигини, ерлар сифати устидан назоратини ошириш учун далалар тарихи китобига қўшимча тарзда алмашлаб экишлар ҳудудини ташкил этишда ерларнинг ишлаб чиқариш ва ҳудудий хусусиятларини баҳолаш, ерларни муҳофазалаш ва тупроқлар унумдордлигини ошириш бўйича тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш билан далаларда ишчи участкаларда паспортизациялаш ўтказилади. Бу иш мустақил тарзда алмашлаб экишлар ҳудудларини ташкил этишнинг ишчи лойиҳаларини тузишда ҳам ўтказилади. [17].

Масалан, дала алмашлаб экишининг майдони 191 га бўлган I даласида 4 агротехник жихатдан бир хил ишчи участкалари ажратилган улар ичида экинлар жойлашиши, тупроқларга ишлов беришнинг асосий йўналишлари, эрозияга қарши агротехник тадбирлар тизими, дала йўллари ва табақалаштирилган ўғитлаш тизими аниқланган.

Даладарни паспортизациялаш давомида ернинг ишлаб чиқариш ва ҳудудий хусусиятларини баҳолаш бўйича 27 асосий кўрсаткич, ҳамда ҳудуднинг ифлосланишини баҳолаш бўйича 20 кўрсаткич ишлаб чиқилган.

Даланинг ички тузилишини паспортизациялаш маълумотлари ва унумдорликни яхшилаш бўйича тавсия этилаётган тадбирлар 7 ва 8-жадвалларда II дала мисолида кўрсатилган. [5].

7-жадвал

Тупроқлар унумдорлигини ошириш бўйича тавсия этилаётган тадбирлар

Экинлар	Ишчи участканинг тартиб раками	Тадбирлар
<i>Қўшимча эрозияга қарши агротехник тадбирлар</i>		
Кузги экинлар	139.140	Чуқур ҳайдаш, қорни тўхтатиш, қор эришини тартибга солиш
Арпа. бир йиллик утлар		Ағдармасдан ҳайдаш, қор эришини тартибга солиш, ўғитлаш
<i>Қўшимча мелиоратив тадбирлар</i>		

Арпа, кузги экинлар вика. сули	55	Зах қочириш меъёрлари: Экиш олдида 60-70 см, экишда 70-80 см, вегетация даврида 100-130см
Кўп йиллик ўтлар	55	Зах қочириш меъёрлари: экиш олдида 50-60 см экишда 60-70 см. вегетация даврида 80-100см

8-жадвал

Ерларни хўжаликда ички баҳолаш

Ишчи участка-ларни тартиб рақами	ғалла	Экинлар бўйича баллар			
		картошка	кўп йиллик ўтлар	бир йиллик ўтлар	макажўхори
60	50	52	55	30	64
13	46	49	49	28	60
91	50	55	41	27	69
40	50	55	41	27	69

Кўриниб турибдики, келтирилган кўрсаткичлар йиғиндиси ва лойиҳа маълумотлари унинг ахборотлилигини ва олинган маълумотлардан тупроқ унумдорлигининг ўзгариши ва аҳволи устидан назорат ўрнатиш учун фойдаланишни; ерниш баҳосини, ер солиғини ва ер учун ижара ҳақини тлабақалаштиришни; ҳосилдорликни, қишлоқ хўжалик экинлари жойлаштирилишини, ёнилғи ва мойлаш материаллари харажатларини, таннархни, бажариладиган ишлар меъёрларини ва ш.ў. баҳолашни: дала ичида ердан фойдаланишнинг махсус тартиби ва шароитларини белгилашни (сервитутлар, чеклашлар ва бошқалар мавжуд бўлса) сезиларли тарзда оширилади.

Алмашлаб экишлар ҳудудини ташкил этиш лойиҳаси ҳайдалма ерларнинг аниқ участкаларида қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш бўйича технологик карталар ҳамда айрим иш турларида қишлоқ хўжалик

техникасидан фойдаланиш бўйича операцион карталар билан тўлдирилиши мумкин.

2.3.Ерларни иқтисодий географик жиҳатдан баҳолаш.

Ерларни баҳолаш ер кадастрининг таркибий қисми бўлгани ҳолда шу билан бирга халқ хўжалигида фойдаланиладиган табиий ресурсларни умумий тарзда баҳолашнинг бир қисмидир. Бундай айниқса қишлоқ хўжалигининг асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатида ерларни баҳолаш катта аҳамиятга эга. У жойнинг минтақавий фарқини ҳисобга олиш ва таққослаш бўйича муҳим муаммолардан бири сифатида гавдаланади.

Кўпчилик халқ хўжалиги масалаларини, шунингдек, қишлоқ хўжалик корхоналари ички масалаларини, ерларнинг сифат ҳолатини чуқур ўрганмасдан ва уни қиёсий баҳоламасдан муваффақиятли хал қилиш мумкин эмас.

Баҳолаш муаммосини муваффақиятли хал қилиш энг аввало уни объекти ва субъектини тўғри белгилашдан иборат. Тупроқшунослик тадқиқотлари ва режларни баҳолаш бўйича адабиётларни ўрганиш шуни кўрсатадики, кенг маънода баҳолаш объекти сифатида, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг воситаси сифатида ерлар гавдаланади.

Ернинг қишлоқ хўжалигида асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатидаги хусусияти - унумдорлигидир. Ер майдонининг ўсимликлари унга зарур бўлган озуқа моддалари ва намлик билан таъминлай олиш қобилиятига тупроқ унумдорлиги дейилади. Инсон тупроқ унумдорлигини ошириш учун ерга турлича таъсир ўтказади: ерни хайдайди, юмшатади, суғоради, тупроққа ўғит солади ва хоказо. У тупроқдаги озуқа моддалар миқдорини оширади ҳамда уларни ўсимликлар томонидан осон ўзлаштиришга имконият яратади. Тўғри, тупроқ унумдорлигини ошириш имкониятини берадиган бошқа қатор тадбирлар ҳам мавжуд. Аммо

фойдланадиган ер сифатининг барча ижобий ўзгаришлари қўшимча маблағ ва меҳнат сарфи билан боғлиқ.

Иқтисодиёт фанида қуйидаги тупроқ унумдорликлари мавжуд: табиий, сунъий, потенциал, ҳақиқий ҳамда иқтисодий. Табиий унумдорлик табиатнинг ўзи орқали ҳосил бўлади. У узоқ давом этадиган тупроқко пайдо бўлиш жараёни натижасида иклис, ўсимликлар, жойнинг рельефи, она жинсларининг таъсири остида пайдо бўлади ва ривожланади. У тупроқнинг физик, кимевий ва биологик хоссалари билан тавсифланади.

Аммо табиий унумдорликка асосланиб ернинг ҳақиқий сифатига баҳо бериб бўлмайди. тупроқда ҳақиқатда жуда кўп микдорда озуқа моддалар бўлиши мумкин, аммо турли сабабларга кўра (намлик, ёруғлик ва бошқалар) улар ўсимликлар ўзлаштира олмайдиган ёки кам ўзлаштирадиган шаклда бўлиши мумкин.

Сунъий унумдорлик табиий унумдорликка эга бўлган ер участкаларида тупроққа инсон меҳнатининг қўшилиши натижасида ҳосил бўлади. Бошқача қилиб айтганда, табиий унумдорликка эга бўлган ер участкалари инсон фаолияти учун меҳнат предмети ҳисобланади. Ҳақиқатан ҳам табиий ва сунъий унумдорликлар ўртасида чегара кўп жиҳатдан шартли, абстракт ҳисобланади. Чунки унумдорликлар соф ҳолда алоҳида намоён бўлмайди.

Турлича табиий унумдорликларга эга бўлган майдонлардаги махсус қишлоқ хўжалик экинлари бутун ўсиш даврида фақатгина табиат инъом этган озик моддаларни ўзлаштрибгина қолмасдан, балки ер ўсимликлар ўсиши ва ривожланишига кетадиган қўшимча сарф-харажатларни тупроқнинг юқори даражада чиринди билан бойиши эвазига қоплайди. Ушбу омилларнинг оқилона қўлланиши натижасида тупроқ унумдорлиги пасайиб кетмайди, аксинча, бунда унинг ажойиб фазилати намоён бўлади, яъни унумдорлиги ошади. [15].

Шундай қилиб, ердан фойдаланиш тўғри ташкил этилганда у ишдан чиқмайди, аксинча, экинлар тупроқни бойитади ҳамда шу орқали табиий унумдорлик яратилади.

Потенциал ёки ҳақиқий унумдорлик деб, табиий иқлимий ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда тупроқнинг қишлоқ хўжалик экинларини озуқа моддаларига бўлган талабини қондириш қобилиятига айтилади. Инсоннинг асосий вазифаси шу жараёни бошқариш, тупроқнинг ишдан чиқишига йул қўймаслик, ундаги озуқа моддаларни ўсимликлар ўзлаштиришига имкон яратишдан иборат.

Ер майдонларининг чегараланганлиги, тупроқларнинг хилма-хиллиги, қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабнинг доимо ўсиб бориши сифат жиҳатидан афзал ва афзал бўлмаган ерлардан ҳам фойдаланишни талаб этади. Бу эса ўз навбатида капитал маблағлар ҳажмини ошириш ва шу билан маълум бир потенциал унумдорликка эга бўлиш эвазига эришилади. Шу асосда тупроқнинг иқтисодий унумдорлиги вужудга келади.

Иқтисодий унумдорлик тупроқ унумдорлигининг ҳақиқий ифодаси сифатида гавдаланади ҳамда у деҳқончилик маданиятининг унумдорлик даражаси сифатида тавсифланади. Тупроқнинг иқтисодий унумдорлиги сарфланган капитал маблағлар миқдори, ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиш даражасига, маҳсулотларни қайта ишлаш, сотиш ва бошқаларга боғлиқдир. Иқтисодий унумдорлик абсолют ва нисбий унумдорликка бўлинади. Абсолют маълум бир шароитда етиштирилган маҳсулотлар миқдори билан ифодаланади ва маълум бирликдаги ер майдонининг ҳосилдорлик кўрсаткичи ёрдамида тавсифланади.

Нисбий-турлича ер майдонларининг қайд қилинган унумдорлиги билан ифодаланди ҳамда маълум харажатлар эвазига олинadиган маҳсулот миқдори билан тавсифланади. Ушбу унумдорликлар даражаларини аниқлаш

мақсадида тупроқлар ботинировкасини ва ерларни иқтисодий баҳолаш сингари махсус ер баҳолаш ишларини ўтказиш зарурияти туғилади.

2.4 . Тупроқларни бонитировка қилиш

Тупроқ бонитировкаси деб, деҳқончилик самарадорлиги ва агротехникасининг тенглаштирилган даражасидаги тупроқ унумдорлиги бўйича сифатининг таққосланган баҳосига айтилади. Тупроқнинг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган объективликлари ҳамда хусусиятлари асосида аниқланади.

Бонитировканинг асосий мақсади тупроқнинг унумдорлиги бўйича нисбий афзаллигини аниқлашдан, яъни ўзининг табиий ҳамда барқарор хусусиятлари бўйича бир тупроқнинг иккинчисидан неча марта яхши ёки ёмонлигини кўрсатишдан иборат. Бонитировканинг объекти бўлиб, батафсил тупроқ кузатувлари материаллари бўйича аниқланган, қатъий таксономик бирликларда ифодаланган тупроқ хиллари хизмат қилади.

Тупроқ бонитировкасининг мезони қилиб ишлаб чиқариш натижаларига таъсир қилувчи тупроқларнинг табиий диагностик ва узок маданийлашган жараёнида олган белгилари қабул қилинган. Бу эса қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигига юқори таъсир қилувчи тупроқнинг табиий диагностик белгилари бонитировканинг мезони қилиб олиншини билдиради.

Тупроқ бонитировкаси регионал характерга эга бўлиши, маълум бир табиий регионларга, уларнинг қишлоқ хўжалик экинларига боғланиши зарур. Бунинг учун илмий асосланган табиий қишлоқ хўжалик районлаштиришни ўтказиш, маъмурий чегараларда қатъий қўлланиш мақсадида йирик регионлар учун ўзларининг тупроқ бонитировкасини ўтказиш методикасини ишлаб чиқиш зарур.

1) Тупроқ унумдорлигини белгиловчи хусусиятларга қараб ерни сифат жиҳатдан аниқ баҳолаш усулларида бири- унинг унумдорлигини

баҳолаш (банитировка қилиш), яъни ерга энг муҳим агрономик хусусиятларига кўра балл билан солиштира баҳо қўйиш бўлиб, бу давлат кадастри ичида муҳим ўрин тутди.

2) Фарғона вилоятидаги жамоа ва давлат хўжаликларида суғориладиган ерларни унумдорлиги бўйича баҳолаш (банитировка қилиш) биринчи дафъа 70-йилларда Ўзбекистон ер тузиш лойиҳа илмгоҳининг ер кадастри филиали томонидан ўтказилди.

3) Натижада дашт минтақаларда ва бундай тупроқлардан иборат минтақада тупроқнинг механик таркибига турлича баҳо бериш зарурлиги ва энгил кумоқ тупроқларда бўз тупроқли жойлардаги ўртача кумоқ тупроқли майдонларга нисбатан юқори ҳосил етиштирилаётганлиги аниқланди. Турли даражада гипслашган тупроқлар учун пасайтириш коэффиценти қабул қилинди. [10].

Фарғона вилоятининг суғориладиган деҳқончилик районлари тупроқ бонитировкаси асоси қилиб В.В.Докучев ишлаб чиққан, кейинчалик издошлари томонидан жойдаги табиий шароитга мос келувчи, ривожлантирилган ҳамда такомиллашган принциплар қабул қилинган.

Тупроқ сифатини белгилайдиган унумдорликнинг асосий омилли бўлган озуқа элементларининг миқдори, уларни маданий экинлар учун самарадорлик қиймати, сув ҳамда иссиқлик режими, тупроқ бонитировкаси балларини аниқлашга асос қилиб олинган.

Тупроқ сифатини баҳолашда тупроқ пайдо бўлиш жараёнидаги биоген элементлар - углерод, азот, фосфор ва калийнинг илдизи озиқланадиган зонада тулланишига ҳам катта аҳамият берилади.

Бу факторларнинг миқдор қиймати бир метр қалинликдаги тупроқда ялпи чиринди, азот, фосфор ва калийнинг ҳаракатлантирувчи бирикмаларининг захирасини кўрсатади.

Вилоятнинг суғориладиган зоналари тупроқларнинг чиринди ва озуқа элементлари миқдори шу тупроқларнинг генетик маслублиги ва

механик таркиби, тупроқ пайдо бўлиш жинслари, тупроқ профили майда донадор қатламининг қалинлиги, скелетлиги ва бошқа диагностик белгилари билан ўзаро узвий боғлиқдир.

Суғориладиган тупроқларда озуқа моддаларининг миқдори асосан суғориш даври ва маданийлашиш даражасига қараб аниқланади.

Республикаимизнинг деҳқончилик районларидаги тупроқларнинг сифати у ёки бу қишлоқ хўжалик экинларини ўстириш имкониятини аниқловчи агроиклим билан узвий боғлиқ қилиб белгиланган. Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг суғориладиган тупроқлари бонитировкасини аниқлаш методикаси тупроқ экологик шароитлар асосида тузилган.

Суғориладиган тупроқлар бонитировкаси асосий қишлоқ хўжалик экини бўлган ўзанининг талабларига биноан ишлаб чиқилган. Бунга асосан 100 баллик ёпиқ шкала қабул қилиниб, унумдор тупроқлар юқори балларда баҳоланган. Бу шкалани тузишда қишлоқ хўжалик корхоналари ерларининг агротупроқ, агрокимевий ва агрохўжалик кўзатуви материалларидан, илғор хўжаликлар фаолиятини таҳлил қилиш, хилма хил тажрибаларининг натижаларида ҳамда суғориладиган деҳқончилик районларининг агроиклим шароитлари маълумотларидан фойдаланилган.

4) Ерларни баҳолашда тупроқнинг асосий хусусиятлари ва табиий шроитлари: генетик аломатлари, суғорила бошланган даврнинг узоқ - яқинлиги, маданийлаштирилганлиги, агроиклим ресурслари билан таъминланганлиги, механик таркиби, тупроқ ҳосил қиладиган жинслар генезиси, тупроқ қатламининг сизот сувлари ўтказувчанлиги, шўрланиш даражаси, эрозияга учраганлиги, сертошлиги, гипслашгани ва ҳакозалар ҳисобга олинади

Суғориладиган тупроқларнинг бонитировка шкаласидаги сифат жиҳатидан баҳоси унинг генетик мансублиги, суғориш даври ва маданийлашганлик даражаларига нисбатан бионитет балларида акс эттирилган. Бу шкалада бундан ташқари тупроқнинг гуммус захираси ва уни

ўсимлик озуқа элементлари билан таъминланганлиги, сингдириш сиғими, физик хусусиятлари ва биологик активлиги интеграл тарзда ҳисобга олинган.

Ўзлаштириш даврига қараб суғориладиган тупроқларнинг хусусиятлари ҳам тубдан ўзгаради. Масалан, энг қадимдан суғорилиб келинаётган тупроқлар базис тупроқлари бўлиб, барча хусусиятлари бўйича унумдор ҳисобланади.

Ўзбекистонда суғориладиган тупроқларнинг бонитировка шкаласи маданийлашган бўйича суст, ўрта ва юқори маданийлашган турларга бўлинган. Чиринди захираси ва фосфор ҳаракатланувчи бирикмаларининг озлиги, биологик активликнинг сустлиги, тупроқнинг камроқ маданийлашганлигидан далолат беради. Юқори даражада маданийлашган тупроқлар асосан юқори агротехника, системали тарзда юқори дозаларда минерал ва органик ўғитлардан фойдаланиш ҳамда шунга мос ҳолда азот ва фосфорнинг ҳаракатланувчи бирикмалари билан юқори даражада таъминланганлиги, шу тариқа чиринди бойитилиши ҳамда юқори биологик активлиги шароитида шаклланади.

Тупроқ унумдорлигини белгилайдиган комплекс хусусиятлар орасида унинг механик таркиби ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Енгил ва ўрта қумоқли тупроқлар унумдор тупроқлар қаторига киради. Улар ишлашга енгил бўлиб, яхши сув - физикавий хусусиятларга эга. Майда ва йирик тош аралашмалари суғориладиган тупроқларнинг сифатини пасайтиради, механизмлар билан ишлашни қийинлаштиради, тупроқнинг сув хусусиятларини ёмонлаштиради. Шунинг учун ҳам жойнинг дренажланганлиги ва шўрланганлик даражаси бўйича ҳар бир тупроқнинг бонитет баллари ҳам табақаланади.

Тупроқ унумдорлигини пасайтирувчи омиллар қаторига сув ҳамда шамол таъсиридан емирилш (эрозия) ҳам киради. У нотекис рельефи янги суғорилаётган майдонларда, юқори қияликларга эга бўлган тоғ ёнбағри текисликларида ҳамда кучли шамол районларида енгил тупроқларда эркин

намоён бўлади. Бу минтақаларда тупроқ жинслари асосан лёсс, пролювиал ва аллювиал - пролювиал йиғиндилардан ташкил топган.

Ювиладиган тупроқларнинг сифати нисбатан лёссларда камрок пасаяди, негаки майдонларнинг тупроқ чуқур қатламларида ҳам потенциал унумдорлик юқори бўлади. Ювиладиган тупроқларнинг пролювиал ва аллювиал-пролювиал тўпламларида майдонларнинг сифати кўпроқ даражада пасайиши кўзатилади.

Маълумки, охириги йилларда суғориш мақсадлари учун хилма-хил даражали гипслашган катта майдонлар ўзлаштирилди ва қишлоқ хўжалик айланмасига киритилди. Гипс эса ернинг мелиоратив ҳолатини ёмонлаштиради ҳамда тупроқ унумдорлигини пасайтиради. Бонитет балларини аниқлашда бошқа кўрсаткичлар қатори алоҳида тупроқ турларида гипс горизонтининг жойлашиши ва гипс миқдориغا нисбатан ҳам пасайтирувчи коэффициентлар қўлланилади.

Олтиариқ туманида суғориладиган майдонларни иқтисодий баҳолаш. Иқтисодий баҳолаш деб, ерни қишлоқ хўжалигининг асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатидаги сифат баҳосига айтилади, яъни, деҳқончиликнинг мавжуд интенсивлиги шароитида қишлоқ хўжалигидаги меҳнат унумдорлигини ҳисобга олиш йули билан хилма-хил унумдор ерлардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш тушунилади.

Ер майдонларини иқтисодий баҳолашнинг тупроқ бонитиров касидан асосий фарқи шундан иборатки, бонитировка асосан тупроқларнинг табиий жисми ҳолатини, яъни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини юритишнинг иқтисодий шароитларини ҳисобга олмаган ҳолатини ўрганади. Иқтисодий баҳолашда эса ер қишлоқ хўжалигининг асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатида қаралади.

Иқтисодий баҳолашнинг асосига қўйилган табиий ва иқтисодий кўрсаткичларнинг 5 йиллик қийматлари қабул қилинган: асосий қишлоқ

хўжалик экинлари бўйича (пахта, шоли, маккажухори дони учун, беда) кўп йиллик дарахтзорлар ва яйловларнинг экин майдонлари, хосилдорлик, ялпи маҳсулот, ҳар бир маҳсулотни етиштиришга сарф бўлган пул бирлигидаги харажатлар ва ишлаб чиқаришга сарф бўлган меҳнат харажатлари, ҳар бир қишлоқ хўжалик экинининг асосий ва (айланма) фондлари билан таъминланганлиги, солинган ўғитларнинг миқдори ва таркиби. Доимий суғориш шароитида бундай кўрсаткичларда ташқари суғориладиган ерларнинг мелиоратив фондлар билан таъминланганлиги, суғориш шахобчалари ва иншоотларини қуришга сарф бўлган умумий харажатлар ҳам ҳисобга олинади.

Тупроқнинг табиий ва сунъий унумдорлиги бор. Табиий унумдорлиги тупроқнинг табиий физик - химиявий хоссаларига ва иқлим шароитига боғлиқ. Тупроқнинг сунъий унумдорлигини инсон яратади. Тупроқнинг самарали унумдорлиги, бу табиий унумдорлиги билан сунъий унумдорлигини (меҳнат харажатлари ва меҳнат воситалари) бирлашиб кетишидан ҳосил бўлади.

Буни аниқлаш учун қўйидаги шартлар бажарилади; хўжаликнинг ҳамма ер турлари: ҳайдалма ерлар, кўп йиллик мевали дарахтзорлар, пичанзорлар ва яйловзорлар баҳоланади. Ер баҳолаш ишларининг бажариши учун қишлоқ хўжалик ташкилотларидан йиғиб олинган кейинги беш йиллик учун бухгалтерия ва статистик ҳисобот маълумотлари, аэрофотогеодезия хужжатлари, тупроқ ва геоботаник текширув хужжатлари асос қилиб олинади.

Иқтисодий нуқтаи назардан ишлаб чиқариш воситаси ҳолатидаги ер майдонининг сифати тупроқ унумдорлиги орқали аниқланади. Тупроқ унумдорлиги фақат қишлоқ хўжалик экинларининг турлича хосилдорлигига олиб қолади. Шунинг учун ҳам хосилдорлик ерларни иқтисодий баҳолашнинг бирламчи кўрсаткичи ролини бажаради. Ер майдонларини иқтисодий баҳолаш учун танланган қишлоқ хўжалик

экинлари шу кадастр районининг худуди учун характерли бўлиши зарур. Ишлаб чиқариш ва товар аҳамиятига эга бўлган қишлоқ хўжалик экинлари, шу жумладан суғориладиган деҳқончиликнинг асосий экинлари: пахта, шоли, ғалла экинлари, маккажўхори дони учун ва беда асосий рўйхатга киритилади.

Шунга қарамасдан, ҳосилдорлик бўйича ер майдонларини иқтисодий баҳолашнинг асосий мушкул томони шундан иборатки, қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги уларни етиштиришга сарфланган харажатларнинг тенглиги шароитида ерларнинг сифатини белгилайди. Бундан ташқари, умуман олганда, бу кўрсаткич ерларнинг унумдорлиги тўғрисида тула маълумот бера олмайди.

Хилма-хил қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини туларок аниқлашга ялпи маҳсулотнинг қиймати ҳамда табақаланган даромад каби пул қийматидаги кўрсаткичлар хизмат қилиши мумкин.

Олинган кўрсаткичлар асосида кадастр райони бўйича ер майдонларини иқтисодий баҳолаш шкаласи тузилади. баҳолаш шкаласи жадвал кўринишида булиб, ер турлари бўйича барча баҳолаш бирликларини маҳсулдорлиги ва унумдорлиги даражасини нисбий кўрсаткичларда ёритади. Шкала асосан ер майдонларининг сифатини характерлайдиган турли кўрсаткичлар бўйича тузилади.

Деҳқончиликнинг самарадорлик даражаси ишлаб чиқариш харажатларининг миқдори билан, ишлаб чиқариш унумдорлиги - харажатларни қоплаш билан, даромад даражаси - табақаланган даромаднинг қиймати билан аниқланади.

Баҳолаш шкалалари тупроқ гуруҳлари бўйича ҳисобланган баҳолаш кўрсаткичларини нисбий қийматларда (балларда) қайта ҳисоблаш йули билан тузилади. Бунда суғориладиган минталакалар бўйича асосан ёпиқ минтақа тузилади, қайсики бу шкалада энг юқори сифатга эга бўлган ерларнинг кўрсаткичлари 100 баллга тенгланади.

Ер - баҳолаш ишларини қўйидаги босқичларда ўтказиш белгиланган: тайёргарлик ишлари, ер майдонларини районлаштириш,

тупроқларнинг агроишлаб чиқариш гуруҳларини аниқлаш, баҳолаш шкालаларини тузиш мақсадлари учун ҳосилдорлик ва харажатларнинг базис қийматларини ҳисоблаш, хўжаликларда ер баҳолаш ишларини ўтказиш, баҳолаш материалларини қараб чиқиш ҳамда тасдиқлаш, ер - баҳолаш ҳужжатларини меъёрлаш ва тарқатиш.

Ер майдонларини баҳолашнинг марказий звеноси - бу баҳолаш учун базис кўрсаткичларини аниқлашдир. Базис кўрсаткичлар қанчалик тўғри ва аниқ ҳисобланса, баҳолаш натижалари ҳам шунчалик объектив бўлди. Умумий методикасига биноан Ўзбекистон шароити учун қўйидаги базис кўрсаткичлар қабул қилинган: ерларни умумий баҳолаш учун ялпи маҳсулотининг қиймати ва умумий меҳнат харажатлари (сумм/га) ерларни хусусий баҳолаш учун - ҳосилдорлик ҳамда умумий меҳнат харажатлари (1гектар ўза ҳисобида).

Шкालалар тузиш учун иқтисодий баҳолашнинг объекти бўлиб ер баҳолаш гуруҳлари хизмат қилади. Хар бир ер баҳолаш гуруҳи учун иқтисодий-статистик маълумотлар бўйича хўжаликлар танланади. Хар бир гуруҳ бўйича кўрсаткичларнинг ўртача қийматлари ҳисобланади.

Хар бир ҳисоблаш гуруҳини тавсифлаш мақсади учун танлашга шундай хўжаликлар киритиладики, қайсики бу хўжаликлар ҳайдалма майдонлари ёки қишлоқ хўжалик ерларининг 75 фоиздан ортиғи бир тупроқ гуруҳига, қолгани ҳам унумдорлиги бўйича асосий гуруҳдан фарқ қиладиган гуруҳга кирган бўлиши зарур.

Хар бир ер ҳисоблаш гуруҳининг экинлар ва ер турлари бўйича типик танлашнинг ўртача кўрсаткичлари умумий ҳамда хусусий баҳолаш шкालасининг асосини ташқил қилади. Бунда ҳар қайси гуруҳнинг энг юқори кўрсаткичлари 100 балл деб қабул қилинади ва бир баллнинг миқдорий қиймати аниқланади. Шундан кейин ҳамма ер майдонларининг тупроқ

гуруҳлари бўйича баллар ҳисобида баҳолаш кўрсаткичлари ҳисобланади. Вилоят бўйича баҳолаш шкалалари ҳамда ер баҳолаш гуруҳларининг майдонларигаэга бўлган ҳолда вилоят, туман ва хўжаликлар бўйича иқтисодий баҳолашни амалга ошириши мумкин.

Маъмурий туман чегарасида ер баҳолаш ишларини ўтказиш асосан алоҳида хўжалик майдонларига ер материалларини умумлаштирган ҳолда жами туман бўйича баҳолаш кўрсаткичларини ўртача келтирилган қийматларини аниқлашдан иборат. Бунда икки ҳолат кўзатилиши мумкин. биринчи - маъмурий туман барча ҳудуди кадастр райони чегарасида жойлашган бўлса, иккинчи - ҳолатда маъмурий туман ерлари икки ёки ундан ортиқ кадастр районлари таркибида бўлиши мумкин. [3].

2.5. Олтиариқ туманида ер ресурсларини ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш

Республиканинг бошқа туманлари каби Олтиариқ туманида ҳам ерларни ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишлари ер майдонларидан фойдаланаётган жисмоний ва юридик шахсларнинг зиммасига юклатилган бўлиб, буларнинг барчаси ҳукумат томонидан чиқарилган қонунлар асосида бошқарилади. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексини 79-моддасига мувофиқ, ерларни муҳофаза қилиш мақсадида уларни ишлаб чиқариш кимёвий ва радиактив моддалар билан ифлосланишидан, сув шамол эрозиясидан шўрланишидан ва бошқа салбий таъсирдаги бузилишлардан юридик ва жисмоний шахслар химоя қилишлари шарт.

Ушбу кодекснинг 81-моддасига мувофиқ кимёвий ва радиактив моддалар билан ифлосланиш натижасида экология ва санитария –гигиенага оид талабаларга жавоб берадиган маҳсулот олиш таъминланмаётган ер участкалари қишлоқ хўжалиги айланмасидан чиқарилиши ва консервация қилиниши лозим.

-жиноят кодексининг 196 моддасида кўзда тутилган жиноят объект ер, сув ва атмосфера ҳавосининг ифлосланишидан муҳофаза қилишни белгиланган тартиби. Мазкур жиноятнинг субъекти бўлиб ҳам мансабдор шахслар, ҳам фуқаро лар ҳисобланадилар.

-Ер ости бойликларидан фойдаланиш талабалари «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Қонуннинг 13,15,18,24,25,29,30,-33,36-38-моддаларида ўз аксини топган.

Атроф табиий муҳитга етказилган зарарли ундиришнинг ҳуқуқий асослари.

Табиий ресурслардан оқилона фойдаланмаслик ва уни ифлослантириш натижасида атроф табиий муҳитга экологик ва иқтисодий зарар етказилади. Иқтисодий зарар табиий объектларнинг нобуд бўлиши, бузилиши, йўқ бўлиб ёки камайиб кетиши ҳамда табиий ресурслардан фойдаланувчиларнинг ҳўжалик манфаатларига зиён етказилиши билан намоён бўлади.

Экологик зарар табиий шароитнинг ёмонлашуви, табиий объектларнинг сон ва сифат жиҳатдан салбий соғлом ва қулай табиий муҳитига бўлган ҳуқуқлари бузилади.

Табиатга етказилган зарар Ўзбекистон Республикасининг фуқаро лик кодексининг 985-моддасига, «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида» ги қонуннинг 49-моддасига ва табиий объектлар тўғрисидаги тегишли қонунларнинг тегишли моддаларига, зарар етказган шахс томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим. Ушбу қоида етказилган зарарли қоплашнинг асосий талабини белгилайди.

-Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига етказилган зарарли такса услуби асосида ундирилади. Бу Вазирлар маҳкамасининг 1995 йил 27 июлдаги 293-сонли қарори билан мустаҳкамланган.

Табиий ресурсларга бўлган ҳуқуқларни чеклаш, тўхтатиб туриш ва ундан маҳрум этиш.

Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланишнинг оқилоналигини таъминлашда жавобгарлик сифатида

қўлланиладиган табиий ресурсларга бўлган ҳуқуқларни чеклаш, тўхтатиб туриш ва ундан маҳрум этиш алоҳида аҳамиятга эга.

Табиий ресурсларга бўлган ҳуқуқларни чеклаш, тўхтатиб туриш ва ундан маҳрум этиш;

Ўзбекистон Республикаси «ТМҚ тўғрисида» ги Қонуннинг 23-моддасига, Ер кодексининг 36-38 моддларига, «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги қонуннинг 19-моддасига, «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 43,57,60,74-моддаларига, «Ўсимлик тўғрисида»ги қонуннинг 40-моддасига мувофиқ амалга оширилади. [4].

3-расм-карта

Фарғона вилоятининг ландшафт картаси



Хулоса

Фарғона вилоятининг бошқа туманлари каби Олтиариқ туманида ҳам қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланишнинг географик асослари ҳақида гап кетганида алмашлаб экишлар ҳудудини ташкил этиш деҳқончилик самарадорлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга, сабаби, ҳайдалма ерлар - қишлоқ хўжалик корхонасининг асосий ва энг унумли ерларидир. Олтиариқ туманинг асосий ер майдонлари суғориб экин экиладиган ерларга тўғри келади.

Алмашлаб экишлар ҳудудини ташкил этиш ўз ичига қуйидаги элементларни олади:

ишчи (суғориш) участкаларини лойиҳалаш;

алмашлаб экиш далаларини жойлаштириш;

фермер участкаларини жойлаштириш (суғорма деҳқончилик шароитида);

ихота дарахтлари полосаларини жойлаштириш;

дала йўллариини жойлаштириш;

дала шийпонларини, дала сув таъминоти ва бошқа деҳқончиликдаги ишлаб чиқариш жараёнларига хизмат қилувчи инфратизим объектларини (идишлар майдончалари, захарли кимёвий моддалар эритмаларини тайёрлаш ва сақлаш учун майдончалар, самолёт ва вертолёт қўниш майдончалари ва бошқ.) жойлаштириш.

Ҳамма элементлар бир-бирлари билан чамбарчас боғлиқ бўлганлиги учун, улар ўзаро келиштирилиб жойлаштирилади.

Тупроқнинг сув эрозияси шароитида зарурат туғилганда алмашлаб экишлар ҳудудини ташкил этиш гидротехник иншоотларни (дамбалар-каналлар, зах қочириш ва суғориш каналлари ва бошқа объектлар) лойиҳалаш билан тўлдирилади.

Алмашлаб экишлар ҳудудини ташкил этиш жараёни ва унга қўйиладиган ишлаб чиқариш талаблари қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш

кучларининг ривожланиши билан боғлиқ ўзгаради. **Уч далалик, кейин кўп далалик алмашлаб экишларда** ер тузувчининг вазифаси массивларни далаларга бўлишдан ва йўллари лойиҳалаш ёрдамида уларга боришни яхшилашдан иборат эди. Кейинчалик, асосий дала ишларида ишчи отлар қишлоқ хўжалик техникасига алмаштирилганидан кейин, унга далада хизмат кўрсатиш ва сақлаш, сув сақлаш, сув билан таъминлаш ҳамда ҳайдалма ерлар массивларининг катта майдонларида дала ишлари даврида ишчилар яшаши ва дам олишлари учун иморатлар қуриш зарурати пайдо бўлди. Натижада алмашлаб экишлар ҳудудини ташкил этишда дала шийпонларини, дала сув таъминоти манбааларини лойиҳалаш бошланди.

Мелиорациялашда катта майдонлардаги ер массивларини шудгорлаш, ўрмонларни қирқиш, бутазор ва майда ўрмонларни йўқотиш, батқоқликларни қуриш сабабли ҳайдалма ерларнинг кенг очик майдонлари пайдо бўлди, бунинг натижасида шамол эрозияси, қияликларда эса сув эрозияси ривожлана бошлади. Бу ихота дарахтлари полосаларини лойиҳалаш заруратини келтириб чиқарди, уларни жойлаштириш далалар, ишчи (суғориш) участкалари чегаралари ва дала йўллари билан боғланади.

Алмашлаб экишлар ҳудудини ташкил этишга қуйидаги талаблар қўйилади.

Биринчидан, ҳар бир алмашлаб экиш ҳудудида нафақат далаларни асослаб жойлаштириш ҳисобига қишлоқ хўжалик экинларининг кенглик (ҳудуд) бўйича тўғри алмашинишлари учун, балки тупроқлар унумдорлигини ошириш, уларни эрозиядан ҳимоя қилиш, табиатни муҳофаза қилиш ва экологик талабларни бажариш учун шароит яратиш керак.

Иккинчидан, юқори деҳқончилик маданияти тупроқларга ишлов беришнинг, ўсимликларни парваришлашнинг, ўғитлаш тизимини қўллашнинг, ўсимликларни ҳимоялашнинг ерларнинг ҳар хил сифатига боғлиқ агротехник усуллари ҳар хиллиги билан тавсифланади, шунинг учун

алмашлаб экишлар ҳудудларини ташкил этишда, қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш технологияларини ва уларни жойлаштиришни аниқ алмашлаб экиш далаларига ва ишчи (суғориш) участкаларига боғлаш (мослаш) учун шароитлар яратилади.

Учинчидан, далалар ва ишчи (суғориш) участкалари чегараларида маълум ишлаб чиқариш жараёнлари, операциялар (шудгорлаш, экиш, экинларни парваришлаш, ҳосилни йиғиш) ҳар хил қишлоқ хўжалик техникалари ердамида амалга оширилади. Шу сабабли, лойиҳалашда далалар ва ишчи (суғориш) участкалари чегараларини, ихота дарахтлари полосаларини ва йўлларни шундай жойлаштириш керакки, бунда машина-трактор агрегатларидан, комбайнлардан юқори унум билан фойдаланиш, даладаги механизация ишларининг харажатларини камайитириш ва уларни оптимал агротехник муддатларда ўтказиш таъминлансин.

Тўртинчидан, алмашлаб экишлар ҳудудини ташкил этишнинг айрим элементларини (дала шийпонлари, дала сув таъминоти манбаалари, ихота дарахтлари полосалари) жойлаштириш капитал харажатларни талаб қилади. Ишни шундай ташкил этиш керакки, бундай харажатлар минимал бўлсин.

Юқорида санаб ўтилган талабларни ҳисобга олиб, алмашлаб экишлар ҳудудларини ташкил этишда қўйидаги масалалар ечилади:

агроландшафтларнинг турғунлигини таъминлаш, тупроқлар унумдорлигини ошириш, эрозия жараёнларининг олдини олиш ва тўхтатиш, табиатни муҳофаза қилиш ва экологик талабларни бажариш учун шароитлар яратиш;

қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришнинг табақалашган технологиялари, қишлоқ хўжалик техникаси ва транспорт воситаларидан юқори унум билан фойдаланиш, деҳқончилик ишлаб чиқариш жараёнларини оқилона ташкил этиш учун оптимал кенглик шароитларини таъминлаш;

алмашлаб экишлар ҳудудларини ташкил этишга боғлиқ капитал харажатлар ва йиллик харажатларни минимумга тушириш;

далалар ва ишчи (суғориш) участкалари бўйича режалаш масалаларини тезкор ечишни ва дала ишларини (агрегатларнинг иш бажариш меъёрларини, ёнилғи сарфини, уруғликнинг экиш меъёрини, ўғитни солишни ва ш.ў. табақалаштириш) амалга ошириш учун зарур ер баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш.

Алмашлаб экишлар ҳудудларини ташкил этишда лойиҳалаш услубини тўғри тушуниш учун лойиҳанинг ушбу таркибий қисмининг ҳар бир элементини жойлаштиришга қуйиладиган талабларни билиш керак.

Транспорт харажатларини, қишлоқ хўжалик техникасининг бефойда юришларини, ҳамда ишчиларнинг келишлари ўтишларига вақт сарфини камайтириш учун алмашлаб экишлар далаларини иложи борица хўжалик марказлари, чорвачилик фермалари, дала шийпонлари билан ва ўзаро энг қисқа ва қулай алоқада бўлишини ҳисобга олиб жойлаштирилади.

Янгидан ўзлаштирилаётган ерлар алмашлаб экиш далаларига ҳар хил усуллар билан киритилади. Агар улар ҳайдалма ерларнинг ҳар хил томонларида тенгроқ жойлашган ёки унинг ичига кичик участкалар шаклида кирган бўлса, улар алмашлаб экишнинг ёнида жойлашган далаларига киритилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб ҳалқимиз билан бирга қураимиз. Тошкент. Ўзбекистон нашриёти, 2017.
2. Мирзиёев Ш.М. Қонун устиворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва ҳалқ фаровонлигини гарови. Тошкент. Ўзбекистон нашриёти, 2017.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони ПФ-4947-сон 07.02.2017 й. Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида.
4. Қаямов А.А., Раҳмонов Р.Н., Эгамбердиев Л.Ш., Ҳамроқулов Ж.Ҳ. Табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш. -Т.: “Иқтисодиёт”, 2014.
5. Анучин В.А. Основы природопользования. -М.: Мысль, 1978.
6. Исаченко А.Г. Оптимизация природной среды. -М.: Мысль, 1980.
7. Нигматов А.Н. Юсупов Р. Табиий географик комплекслар ва экзоген жараёнлар. -Т.: Turon iqbol, 2006.
8. Нигматов А.Н. Геоэкологические аспекты заовраженности и техноенной нарушенности земель Узбекистана.Т.; ННУз, 2005
9. G'ulomov P.N. Inson va tabiat. -Т.: 2009.
10. “Табиатдан фойдаланишнинг географик асослари” фани бўйича тайёрланган ўқув услубий мажмуа.
11. ЎЗМУ ички тармоғи.
12. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2013 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасидан. (17 январь 2014 йил)
13. Олтиариқ тумани (Ўзбекистон Миллий энциклопедияси.) Тошкент, 7-жилд, 2003 й. 340-341-бетлар .
14. Олтиариқ тумани хокимлиги қишлоқ хўжалик бўлими маълумотлари.
15. Ўзбекистон Республикасини 2018 йилнинг биринчи чорагида ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни якунлари тўғрисида.
16. Ҳалқ сўзи газетаси, 2014 йил, 1 май сони, №83-84, 1, 6- бетлар.
17. Аvezбаев С., Волков С.Н. Ер тузишни лойиҳалаш. Т.: “Янги аср авлоди”, 2004, 465-509-бетлар.

Интернет маълумотлари:

www.unep.org БМТнинг атроф-муҳит бўйича дастури

<http://www.sheffcol.ac.uk/lettol/enquire.htm>

<http://www.si.edu/resource/faq/start.htm>

<http://www.tantal-sov.ru>

Иловалар.

1-илова

Қияликларда чизиқли элментларни лойиҳалашнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган ўлчамлари шкаласи

Ишчи нишаблик, (градусда)	Тупроқларга боғлиқ ҳолда сув оқимининг ўртача йўл қўйиладиган тезлиги, 1 см											
	Тоза шудгор (пар), кузги шудгор, қанд лавлагиси, маккажухори (дон)				Кунгабоқар, яшил озуқа учун маккажухори				Баҳорги ғалла, банд шудгор (пар) (вика, сули)			
	0.12	0.14	0.17	0.20	0.12	0.14	0.17	0.20	0.12	0.14	0.17	0.20
0.5	97	132	195	270	130	177	260	360	197	279	396	550
1	68	91	136	191	92	125	184	255	139	190	280	389
1.5	56	77	113	156	75	101	150	207	114	155	230	318
2	48	66	98	135	65	88	129	179	99	135	199	276
2.5	43	59	87	121	58	79	116	162	89	121	178	246
3	39	54	80	110	53	72	106	147	81	110	162	225
3.5	36	50	75	103	49	67	98	136	75	101	150	204
4	34	47	69	96	46	62	92	127	70	95	140	195
4.5	33	45	66	91	43	59	87	120	66	89	132	183
5	31	42	62	86	41	56	82	114	63	85	125	174
5.5	29	40	60	83	39	53	80	108	59	81	119	165
6	28	38	56	78	37	51	75	104	57	78	114	158
6.5	27	37	54	75	36	49	72	100	55	75	110	153
7	26	35	52	72	35	47	69	96	53	72	106	147
7.5	25	34	50	70	33	45	67	93	51	69	102	141
8	24	33	48	67	32	44	64	89	49	67	98	136
8.5	23.5	32	47	66	31	43	63	87	48	65	96	133
9	23	31	46	64	30	41	61	85	46	63	93	129
9.5	22	30	45	62	29.5	40	59	82	45	62	91	125
10	21.5	29	44	60	29	39	58	80	44	60	89	123

2-илова

Фаргона вилояти Олтиарик туманида фаолият юритаётган фермер хужаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари тасарруфидаги ер майдонларига 2018 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштириш тўғрисида


М А Ё Л У М О Т

№	Массивлар номи	Контур сони	Балл бонитети	Жами қишлоқ хўжалик экинлари экиладиган майдон, га	шундан																
					Экилан бошоқли дон экинлари жами	Пахта майдони			Сабзавот экинлари	Полиз экинлари	Картошка	Мойли экинлар	Макка дон учун	Озука экинлари	Шундан				Бошқа экинлар	галлачилик экинлари	
						Жами	Ш.Ж.								Янги беда	Эски беда	Маккасилос	Бошқа озука экинлари			
							Асосий режа	Қушимча пахта													Ш.жум. Қўшқатор
1	Отакул ов массиви	183		1398,5	687,9	699,6	663,6	36,0	216,0	6,0	3,0	1,0			1,0				1,0		
2	Зилха массиви	80		473,7	233,8	183,5	183,5			13,9	4,4	1,6			36,7		7,5		29,2		
3	Окбуйра массиви	128		859,6	378,3	425,8	349,2	76,6	337,1	7,2	4,0	2,2			42,1				42,1		
4	Повулгон массиви	130		853,6	413,0	412,3	407,7	4,6	194,4	20,6	3,2	4,6									
5	Нуробод массиви	153		1778,6	908,3	804,7	783,6	21,1	30,6	48,6	5,0				12,1				12,1		
6	Полосон массиви	133		1440,5	701,9	696,5	654,5	42,0	75,9	13,6	4,2				24,3			24,3			
7	Навоий массиви	160		1899,3	880,2	939,6	898,8	40,8	21,1	17,6	9,5	15,2			37,3		7,0	26,0	6,3		
8	Охунбобоев массиви	96		1048,9	476,3	500,2	436,9	63,3			3,0	3,0			66,5		42,9	23,6			
9	Ал-Фаргоний массиви	107		1290,1	614,9	642,8	587,5	55,3	19,8		5,5	2,5			24,4			14,6	9,8		

10	Журак массив и	14 8		117 8,6	56 6,4	58 4,8	56 5,3	19, 5	82, 3	6, 0	9, 0	7, 5			5, 0			2, 0	3, 0		
11	Узбеки стон массив и	14 5		122 2,0	62 4,4	58 8,0	58 8,0		35 8,1	2, 6	4, 2	2, 7									
12	Янгиоб од массив и	89		756 ,2	38 4,5	36 6,7	36 6,7		36 6,7	3, 0	0, 5	1, 5									
13	Пахтаоб од массив и	10 6		794 ,0	34 6,9	43 7,8	33 5,9	10 1,9	43 7,8	2, 5	1, 5	2, 4			3, 0				3, 0		
14	Иттиф ок массив и	77		546 ,9	25 1,7	29 2,2	29 2,2		29 2,2						3, 0				3, 0		
15	Тонг массив и	15 4		119 6,1	50 7,0	59 1,9	39 0,5	20 1,3	58 1,2	30 ,2	11 ,4	1, 9			53 ,9		26 ,4	15 ,1	15 ,7		
16	Кизилт епа массив и	47		567 ,3	25 1,4	23 3,4	22 4,0	9,4	23 1,5	12 ,6	12 ,7	23 ,0			34 ,2				34 ,2		
	Туман к/х жами	19 36		173 04	82 27	84 00	77 28	67 2	32 45	18 4	81	69			34 3		84	10 5	15 9		

Туман Қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи: **Х.Нишонов**
Туман Ер ресурслари ва Давлат кадастри бўлими бошлиғи:- **А.Хақимов**

УСИМЛИКЛАР КАРТАСИ



МАШТАБ 1 : 450 000